

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА МУҲАНДИСЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ

МАМАРОЗИКОВ УСМОНЖОН ДОВРОНОВИЧ

**ЧОТҚОЛ-ҚУРАМА МИНТАҚАСИ ПЛИТАИЧИ ИНТРУЗИВ
МАГМАТИЗМИНИНГ МАЪДАНДОРЛИГИ
(ЎРТА ТЯНЬ-ШАНЬ)**

04.00.03 - Геотектоника ва геодинамика. Петрология ва литология

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)

Мамарозиков Усмонжон Довронович Чотқол-Қурама минтақаси плитаичи интрузив магматизмининг маъдандорлиги (Ўрта Тянь-Шан)	3
Мамарозиков Усмонжон Довронович Рудоносность внутриплитного интрузивного магматизма Чаткало-Кураминского региона (Срединный Тянь-Шань)	31
Mamarozikov Usmonjon Ore-bearing capacity of intraplate intrusive magmatism of the Chatkal-Kurama region (Middle Tien Shan)	59
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	63

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА МУҲАНДИСЛИК ГЕОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ

МАМАРОЗИКОВ УСМОНЖОН ДОВРОНОВИЧ

**ЧОТҚОЛ-ҚУРАМА МИНТАҚАСИ ПЛИТАИЧИ ИНТРУЗИВ
МАГМАТИЗМИНИНГ МАЪДАНДОРЛИГИ
(ЎРТА ТЯНЬ-ШАНЬ)**

04.00.03 - Геотектоника ва геодинамика. Петрология ва литология

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/GM5 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Геология ва геофизика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз-резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.gpniimr.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ахунджанов Раҳмаджан
геология-минералогия фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Конеев Рустам Исмаилович
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Умарходжаев Маврузбек Умарходжаевич
геология-минералогия фанлари доктори

Мустафин Сабир Кабирович
геология-минералогия фанлари доктори, профессор,
академик

Етакчи ташкилот:

«Уранкамёбметгеология» ДУК

Диссертация ҳимояси Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.GM.40.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 11а-уй. Тел.: (99871) 256-13-49, факс: (99871) 140-08-12, e-mail: info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz).

Диссертация билан «Минерал ресурслар институти» ДКнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 11а-уй. Тел.: (99871) 256-13-49).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги реестр баённомаси)

М.К.Турапов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

К.Р.Мингбоев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, г.-м.ф.н.

Х.А.Акбаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, г.-м.ф.д., академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида петрогенез ва маъдан ҳосил бўлиш жараёнларнинг алоқадорлигини аниқлаш эндоген геология тарихи давомида муҳим муаммолардан бири бўлиб келган. Петрологик ва металлогеник тадқиқотларнинг аҳамияти мазкур муаммони ечишга уларнинг қўшган ҳиссалари билан баҳоланади. Бурмаланган вилоятлар плитаичи магматизмига алоқадор эндоген жинс-маъдан ҳосилалари турли-туманлиги ва тузилишлари билан алоҳида ажралиб туради.

Бугунги кунда жаҳон микёсида бурмаланган минтақаларда плитаичи магматизми маҳсулотларининг металлогеник аҳамиятини баҳолаш қуйидаги устивор йўналишлар бўйича олиб борилмоқда: геологик жойлашувини, петрографик ва петрохимёвий хусусиятларини аниқлаш; юқори аниқликка ва ўта сезгирликка эга аналитик ҳамда диагностик асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда фойдали элементларни минерал-ташувчиларининг, минерал-концентратларининг ва маъдан шакллантирувчи флюидли ҳамда суюқ микроқўшимталарнинг учраш шакллари аниқлаш; шунингдек, маъдан ҳосил қилувчи флюид-магматик тизимларнинг металлогеник ихтисослашувларини ва генетик табиатларини аниқлаш.

Ўзбекистонда магматик ассоциацияларининг таркибларини, уларнинг маъдандорлигини ва генезисини аниқлашга йўналтирилган илмий изланишларни юқори даражада ташкил этиш ва жорий қилиш бўйича муаян ютуқларга эришилди. Жумладан, магматизмга алоқадор фойдали қазилмаларни қидириш, уларни минерал хом-ашё базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқаришга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясида¹ «Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, ... салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш» бўйича устивор вазифалар белгилаб берилган. Бу борада Чотқол-Қурама минтақаси плитаичи магматик ассоциацияларининг маъдандорлигини, шунингдек қимматбаҳо, нодир ва нодир ер метали эндоген маъданли майдонлар ва конларнинг шаклланишидаги уларни металлогеник аҳамиятларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармонида, 2016 йил 13 октябрдаги ПҚ- 2589-сон «Ер қаърини геологик ўрганиш соҳасидаги тадқиқотларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VIII. «Ер хақидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Чотқол-Курама минтақасининг, шунингдек Марказий Осиё бурмаланган камаридаги бошқа минтақаларининг плаитаичи магматизмининг металлогеник салоҳиятини аниқлаш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида, жумладан, U.S.Geological Survey (АҚШ); Centre for Global Metallogeny (Австралия); Centre for Russian and Central EuroAsian Mineral Studies (Буюк Британия); Société géologique de France (Франция); Маъдан конлари геологияси, петрографияси, минералогияси ва геохимёси институти (Россия); Chinese Academy of Geological Sciences (Хитой), Геология ва геофизика институти (Ўзбекистон) ва Минерал ресурслар институтида (Ўзбекистон) кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Плаитаичи магматизми петрологияси ва металлогениясига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: плаитаичи магматизми сабабларини тушинтириш учун «иссиқ нуқталар» – мантия плюмлари назарияси ишлаб чиқилган (U.S.Geological Survey, АҚШ); плаитаичи магматизми хосилалари ва уларга алоқадор маъдан конларининг жойлашувида чуқур деструктив зоналарнинг муҳим аҳамиятга эгалиги аниқланган (Centre for Global Metallogeny, Австралия; Centre for Russian and Central EuroAsian Mineral Studies, Буюк Британия); плаитаичи магматизми пульсацион характерга эгалиги аниқланган (Société géologique de France, Франция); плаитаичи нордон магматизмига алоқадор нодирметалларнинг кечкимагматик конларининг шаклланиш назарияси ишлаб чиқилган (Маъдан конлари геологияси, петрографияси, минералогияси ва геохимёси институти, Россия); плаитаичи магматизми мантиянинг чуқур қисмларидан плюмларни юқорига кўтарилиб, литосферани қиздириб, унинг юзасида «иссиқ нуқталар» тарзида номоён бўлиши аниқланган (Chinese Academy of Geological Sciences, Хитой).

Дунёда бурмаланган минтақалар плаитаичи интрузив магматизми петрологияси ва металлогенияси бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: плаитаичи интрузив магматизми маҳсулотларининг геологик ўрнини, петрографик, петрохимёвий, минералогик ва геохимёвий ўзига хослигини аниқлаш; плаитаичи интрузив магматизми маҳсулотларини формацион таҳлил қилиш; плаитаичи интрузив магматизми маҳсулотлардаги жинс хосил қилувчи, аксессуар, шунингдек маъдан элементларининг минерал-концентраторларини, минерал-ташувчиларини ва флюидли микрохосилаларнинг учраш

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.Elsevier.com>; www.geokniga.org; www.mincos.ru; www.geohit.ru; www.mantleplumes.org; www.earthplumes.org; www.nature.com; <http://www.researchgate.net>; www.gei-earth.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

шакллари ва моддий таркибларини аниқлаш; плитаичи маъдан-магматик тизимларининг эволюциясининг петрологик-генетик моделларини ишлаб чиқиш.

Муаммонининг ўрганилганлик даражаси. Чотқол-Қурама минтақасида ва Марказий Осиё бурмаланган камаридаги бошқа минтақаларда магматизм маҳсулотларининг петрогенези ва маъдандорлиги, шунингдек унинг металлогеник салоҳияти муаммоси Х.М.Абдуллаев, С.С.Абрамов, В.И.Айзенштат, В.И.Алексеев, В.С.Антипин, А.Е.Антонов, В.А.Арапов, Р.Ахунджанов, С.М.Бабаходжаев, С.Т.Бадалов, А.Б.Бакиров, В.В.Баранов, А.С.Борисенко, Н.С.Бортников, Н.П.Васильковский, А.Г.Владимиров, Т.М.Воронич, А.А.Воронцов, И.М.Голованов, О.П.Горьковой, Г.С.Гусев, Т.Н.Далимов, Р.Т.Далимов, Ф.К.Диваев, Н.Л.Добрецов, Ю.Б.Ежков, А.Э.Изох, Ф.И.Исламов, Х.Д.Ишбаев, В.Я.Клипенштейн, В.И.Коваленко, В.А.Коваленкер, В.В.Козырев, Р.И.Конеев, В.С.Коптев-Дворников, А.Ф.Коробейников, В.П.Коржаев, М.И.Кузьмин, Н.П.Лаверов, В.И.Лебедев, Ю.М.Мамаджанов, Д.Матчанов, И.В.Мушкин, Н.Т.Пак, Ф.Ш.Раджабов, Я.М.Рафиков, Д.В.Рундквист, В.Л.Русинов, Ю.Г.Сафонов, Г.Т.Таджибаев, К.У.Урунбаев, Ф.А.Усманов, И.Х.Хамрабаев, Б.Г.Хайруллин, В.Д.Цой, В.В.Ярмолук, Р.Г.Юсупов, Одгэрэл Д., N.Cook, J.S. Cline, H.M. DInlop, A.Zindler, J.G.Fitton, A.W.Hofmann, B.D.Malamud, M.Santosh, R.Seltmann, G.L.Opplinger, F.Pirajno бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида ўз аксини топган.

Илгари бажарилган тадқиқотларнинг муҳим натижаси плитаичи магматизмини Чотқол-Қурама мантия плюмининг литосферада аксланиши тарзидаги аҳамияти аниқланганлиги ва унинг моделини ишлаб чиқилганлигидир. Бурмаланган минтақаларда плитаичи магматизм бошқа геодинамик шароитлардан қуйидаги қатор хусусиятлари билан фарқланиши аниқланган: плитаичи магматизми маҳсулотлари кичик хажмли бўлганлигига қарамай катта майдонларда кенг ривожланган ва тарқалган; ундан олдин шаклланган коллизион, субдукцион гранитоидлардан вақтли узулишга эга; уларнинг формациялари юқори ишқорлилик, глиноземлилик, мўътадил темирлилик ва магнезиалликка эгаллиги диққатга сазовор бўлиб, бу хусусиятлари бўйича платформаларда толеитли базальтлар ва трапплар билан корреляция қилиш имкони йўқ; плитаичи магматизми ареаллари учун ер қобиғида «юқори тезликли» қўшимталарнинг мавжудлиги хос.

Минтақа магматизмини ўрганиш бўйича эришилган муҳим ютуқларга қарамай, ҳозиргача плитаичи магматизми маҳсулотларининг маъдандорлигини баҳолаш тўлиқ ҳал этилмаган.

Диссертант 2002-2017 йилларда Чотқол-Қурама минтақаси плитаичи интрузив магматизми маҳсулотларининг геологик ўрнини, петрографик, петрохимёвий, минералогик ва геохимёвий хусусиятларини ўрганишга доир тадқиқотлар олиб борган. Ушбу ишлар натижасида интрузив ассоциациялар туркумлиниб, уларнинг маъдандорлигини ўзига хослиги аниқланган. Бунда олдин ишлаган тадқиқотчилардан фарқли равишда жинс хосил қилувчи, иккинчи даражали, акцессор, шунингдек маъдан элементларини ташувчилари

ва концентраторлари бўлмиш минералларнинг ва флюидли микроҳосилаларнинг учраш шакллари ва моддий таркибларини микрозонд усули ёрдамида тадқиқ этишга алоҳида аҳамият қаратилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Геология ва геофизика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мос равишда А4-061 «Камёб металл нордон магматизм ва Олмалиқ-Ангрен тоғ-кончилик районида у билан боғланган маъданлашувни башоратлаш» (2006-2008 йй.), 99-08 «Чотқол-Қурама минтақаси юқори палеозой постколлизия магматизми ва унинг маъдандорлиги» (2008-2009 йй.), ФА-А5-Т082 «Олмалиқ – Ангрен тоғ-кончилик райони истиқболли майдонларининг ноанъанавий ноёбметаллдорлигини (Nb, Ta, нодир ер металлари в.б.) комплекс геологик ва петрологик-геокимёвий баҳолаш» (2009-2011 йй.), ФА-А13-Т045 «Қурама тоғ тизмасининг жанубий-шарқий қисмидаги нодир ер металл маъданлашув» (2012-2014 йй.), ФА-А13-Т120 «Шарқий Ўзбекистонда плитачи сиенитоид магматизмига алоқадор қимматбаҳо-нодир металл маъданлашувнинг излаш меъзонларини ишлаб чиқиш» (2015-2016 йй.), ФА-Ф8-Т005 «Ўрта ва Жанубий Тиён-Шонда қимматбаҳо, нодир ва рангли металлларнинг комплекс маъданлашувини шаклланиш шароитлари ва жойланиш қонуниятлари» (2012-2016 йй.) каби фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Чотқол-Қурама минтақаси плитачи интрузив ассоциацияларининг петрографик, минералогик, геокимёвий хусусиятларини, маъдандорлигини, шунингдек уларнинг қимматбаҳо, нодир ва нодир ер металлари маъданларининг ҳосил бўлишидаги аҳамиятини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Чотқол-Қурама минтақаси плитачи интрузив ассоциациялари жинсларининг геологик ўрнини аниқлаш;

минтақа плитачи интрузив ассоциациялари жинсларининг петрографик ва петрокимёвий хусусиятларини ўрганиш;

минтақа плитачи магматик ва постмагматик, шунингдек маъданли ҳосилалардаги маъдан элементларини ташувчи минераллар ва минерал-концентраторларнинг ҳамда флюидли ва суюқ микроҳосилаларнинг учраш шакллари ва моддий таркибларини аниқлаш;

интрузивларнинг маъдандорлигини петрологик, минералогик ва геокимёвий белгиларини аниқлаш;

минтақа плитачи маъдан-магматик тизимларининг петрологик-генетик моделларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Чотқол-Қурама минтақасидаги субишқорли габброидлардан, сиенитоидлардан, онгориолитлардан ва лейкогранитлардан ташкил этилган плитачи интрузив магматизми маҳсулотлари.

Тадқиқотнинг предмети плитачи ва постмагматик, хусусан маъданли ҳосилалар, уларнинг геологик ўрни, петрографик, петрокимёвий, минералогик ва геокимёвий хусусиятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Кичик интрузивларни ва дайкаларни тафслий геологик, петрографик, минералогик ва геохимёвий ўрганиш; маъдан элементларининг минерал-ташувчиларини, минерал-концентраторларини ва маъдан шакллантирувчи флюидли микрохосилаларнинг учраш шакллари ва моддий таркибларини микрозонд усулида тадқиқ этиш; элементларнинг микдорларини масс-спектрометрик, нейтрон-активацион ва рентгенофлуоресцент усулларида аниқлаш; петрографик, петрохимёвий, минералогик ва геохимёвий текширув натижаларни компьютер дастурлари (Excel ва PetroExplorer) фойдаланган ҳолда қайта ишлаш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Чотқол-Қурама минтақаси кечкиперм плитаичи интрузив магматизми хосилалари кетма-кет шаклланган учта ассоциацияларга (габброид, сиенитоид ва онгориолит-лейкогранит) бирлаштирилган;

илк бор минтақадаги кечкиперм габброидли ва сиенитоидли кичик интрузиялар ва дайкалар ягона субишқорли базальтоид магмасининг маҳсулотларига мансублиги асосланган;

Чотқол-Қурама минтақаси учун янги нодир металлдор фаялитдор ва эгиридли онгонитлар, онгориолитлар ва лейкогранитлар аниқланган;

илк бор минтақа интрузив плитаичи габброид ассоциациясини темир гуруҳи элементларига, полиметалларга ва кумушга, сиенитоид ассоциациясини - нодир, нодир ер элементларига, олтинга ва кумушга, онгориолит-лейкогранит ассоциациясини – нодир, нодир ер элементларига ва радиоактив металлларга маъдандорлиги аниқланган;

Чотқол-Қурама минтақаси плитаичи маъдан-магматик тизимларининг петрологик-генетик моделлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

плитаичи габброид, сиенитоид, онгориолит-лейкогранит ассоциациялари жинсларининг аниқланган петрографик, минералогик ва геохимёвий хусусиятларига асосан улар билан боғлиқ маъданлашувни башоратлаш и излаш меъзонлари ишлаб чиқилган;

қимматбаҳо, нодир ва нодир ер металлларининг маъданлашуви учун истиқболли майдонлар ажратилган (Қорақушхона-Бошқизилсой, Четсув-Шавкатли, Ертошсой, Бешқўл-Сардала, Келенчек-Тошсой ва Чоркесар).

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Геологик, петрографик, минералогик ва геохимёвий тадқиқотлар натижаларининг ишончлилиги замонавий тадқиқот усуллари қўлланилганлиги ҳамда ЎзДавстандартда аттестациядан ўтган лабораторияларда олинган аналитик маълумотларга асосланган. Бундан ташқари баъзи анализ натижалари бир нечта усуллар (рентгенофлуоресцент, нейтрон-активацион, масс-спектрометрик, микрозонд) ёрдамида қайта текширилган. Шунингдек, диссертант томонидан шахсан 1500 га яқин штуфлар таърифланган, 1200 дан ортиқ шаффоф шлифлар, 450 та силлиқланган шлифлар микроскопик ўрганилган, тоғ жинслари намуналарининг 335 та тўлиқ кимёвий таҳлиллари бўйича қайта ҳисоблаш бажарилган, микроанализаторда минералларни, флюидли ва суяқ микроқўшимталарни учраш шакллари ва таркибларини аниқлаш бўйича

«Jeol-8800» электрон микроанализаторида ўтказилган 3500 та микрозонд таҳлиллари натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқотлар натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотлар натижаларининг илмий аҳамияти минтақа плитаици магматик ассоциацияларининг маъдандорлигини аниқлаш бўйича батафсил геологик-петрографик, минералогик (жумладан микрозонд) ва геохимёвий тадқиқотларга асосан янги илмий натижалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Чотқол-Қурама минтақаси плитаици магматик ассоциацияларига алоқадор қимматбаҳо, нодир ва нодир ер металлларнинг маъданлашувни излашнинг комплекс петрологик, минералогик ва геохимёвий меъзонларининг ишлаб чиқилганлиги ҳамда ушбу металллар бўйича илгарилама излаш-баҳолаш ишларини олиб бориш учун истиқболли майдонларни ажратилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чотқол-Қурама минтақаси плитаици интрузив магматизмининг маъдандорлигини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

минтақада аниқланган янги фаялитдор ва эгиринли онгонитлар, онгориолитлар ва лейкогранитларнинг нодир ва нодир ер металлларга маъдандорлиги асосида ажратилган Қорақушхона-Бошқизилсой, Четсув-Шавкатли, Ертошсой ва Келенчек-Тошсой истиқболли майдонлар «Уранкамёбметгеология» ДУКнинг геология-қидирув ишларини ўтказиш амалиётига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2018 йил 30 майдаги 04/12-сон маълумотномаси). Натижада Келенчек-Тошсой майдони бўйича махсус илгарилама қидирув ишларини мақсадли режалаштириш ва самарали амалга оширишга имкон берган;

нодирметаллдор магматик ва постмагматик ҳосилаларининг геологик-петрографик, петрохимёвий, минералогик, геохимёвий хусусиятлари аниқланиб, нодир ва нодир ер метали маъданлашувнинг ишлаб чиқилган қидирув белгилари «Уранкамёбметгеология» ДУКнинг объектларида нодирметалли маъданлашувни кидириш амалиётига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2018 йил 30 майдаги 04/12-сон маълумотномаси). Натижада улар Келенчек-Тошсой майдонида махсус илгарилама қидирув ишларини бажаришда петрологик ва минералогик-геохимёвий қидирув белгилари бўлиб хизмат қилган;

магматик, постмагматик ҳосилаларни ва улар билан бирга учровчи маъданларда аниқланган нодир ва нодир ер металлларининг минерал-концентраторларининг учраш шакллари ва моддий таркиблари «Уранкамёбметгеология» ДУКнинг нодирметалли маъданларни минералогик-технологик хусусиятларини баҳолаш методикаси амалиётига жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2018 йил 30 майдаги 04/12-сон маълумотномаси). Натижа Келенчек-Тошсой майдонидаги маъдан таналарининг минералогик-технологик хусусиятларини баҳолашга имкон берган;

альбититли нодир ва нодир ер метали маъданлашувнинг лейкогранит интрузив таналари билан генетик алоқадорлиги «Уранкамёбметгеология»

ДУКнинг нодирметалли маъданлашувни башоратлаш амалиётига жорий қилинган (Давлат геология кўмитасининг 2018 йил 30 майдаги 04/12- сон маълумотномаси). Натижада Келенчек-Тошсой майдонида магматик жараёнлар ва улар билан боғлиқ постмагматик ҳосилаларни маъданлашувдаги аҳамиятини баҳолашга ҳамда маъдан таналарини самарали қидиришга ва башорат ресурсларини кенгайтиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот ишининг асосий натижалари 15 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш чоп этилган. Улардан 2 та ҳаммуалифликдаги монографиялар, 21 та илмий мақолалар, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақолалар, жумладан, 10 та мақолалар республика ва 2 та мақолалар хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 215 бетдан иборат (иловаларсиз).

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти, мақсади ва вазифалари асосланган. Тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги очиб берилган, нашр этилган ишлар ва диссертация таркибий тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг «**Чотқол-Қурама минтақаси плитаичи магматизми тўғрисидаги замонавий илмий қарашлар (Ўрта Тянь-Шань)**» деб номланган биринчи боби Чотқол-Қурама минтақасида плитаичи магматизми ва унинг металлогеник аҳамияти муаммосини ўрганилганлик ҳолатини кўриб чиқишга бағишланган. Адабиётлар шарҳига асосланиб, ҳозирги вақтда плитаичи магматизми сабаблари сифатида мантия плюмлари ва иссиқ нуқталар – мультиплюмлар нисбатан кўпчилик эътироф этган илмий ёндашувлиги кўрсатилган. Мантия магмаларининг ва трансмагматик флюидларнинг иштирокига алоҳида тўхталинган. Чотқол-Қурама минтақаси мисолида ушбу муаммони хар томонлама ўрганиш фундаментал тадқиқотларнинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади ҳамда плитаичи магматизми маҳсулотлари орасида қимматбаҳо, нодир ва нодир ер металлларининг маъдандор ҳосилалари ривожланганлиги сабабли амалий аҳамиятга эга.

«Чотқол-Қурама минтақаси асосли кичик интрузиялари ва дайкалари ассоциацияси» деб номланган иккинчи бобда асос таркибли кичик интрузиялардан ва дайкалардан иборат кечкиперм плитаичи габброид ассоциациясининг геологик ўрни, петрографияси, петрогеокимёси, шунингдек жинс хосил қилувчи ва аксессуар минералларининг типоморф хусусиятлари ҳамда геокимёвий ихтисослашуви ёритилган. Кичик интрузиялар габброидлари мелано-, мезо- ва лейкограббродан, монцогаббродан (монцонит), анортотлазли габбродан, баъзан пироксенитдан, йўл-йўл тусли габбродан ва анортозитдан ташкил этилган. Улар камчукурлик шароитида шаклланган кичик интрузив таналар хосил қилган бўлиб, Қуртош, Оқтепа ва Олчали интрузивлари уларнинг петротурлари ҳисобланади.

Асос таркибли дайкалар асосан трахидолеритдан, баъзан субишқорли габбро-долеритдан, лампрофирдан, конга-диабаздан ташкил этилган. Пирмироб олтин-кумуш конида (Чодак маъданли майдони) таркибида меланократ трахидолеритнинг шарсимон ажралмалари мавжуд бўлган, цементловчи массаси лейкократ трахидолеритдан иборат асос таркибли мураккаб тузилишли дайкалар аниқланган. Улар Оқтепа габброид массивида учровчи, таркибида меланократ габбронинг мустаҳкам шарсимон ажралмалари мавжуд бўлган, цементловчи массаси субишқорли лейкократ габбродан тузилган «агматитсимон» ҳосилаларга ўхшайди. Хар икки магматик жинснинг минералогик таркиблари бир хил.

Қорамозор комплекси (C_3-P_1) гранитоидларини ва қизилнура комплекси (P_1) нордон вулканитларини ёриб чиққан Оқтепа ва Олчали габброидларининг ҳамда трахидолерит дайкаларининг Rb-Sr ёши кечки пермга тўғри келади. Улардаги стронцийнинг 86- ва 87-изотопларининг бирламчи нисбатлари Чотқол-Қурама минтақаси плитаичи габброид ассоциацияси магма суюқлигининг манбаси мантия-қобик турига тегишлигини кўрсатади (габброид интрузивлари ёши – 276-271 млн. йил, $I_{Sr}=0,7065-0,7067$; асос таркибли дайкаларники – 277-266 млн. йил, $I_{Sr}=0,7064-0,7074$). Кальцит ва хлоритдан ташкил этилган кристаллашган бодомсимон ажралмаларнинг изотоп таҳлили натижасида бирламчи нисбатлар қийматлари $^{87}Sr/^{86}Sr=0,7032-0,7110$ (ўртача $^{87}Sr/^{86}Sr=0,705$) аниқланган бўлиб, улар ушбу жинсларнинг флюид-маъдан-магматик тизимларининг шаклланишида чуқурдан (мантиядан) кўтарилган карбонатга бой флюидларнинг роли борлигини кўрсатган.

Чотқол-Қурама минтақаси габброидли кичик интрузиялар ва асосли дайкалар кимёвий ва петрокимёвий хусусиятлар бўйича бир-бирига мос. Шуниси характерлики, юкорититанли габброид интрузиялар ва базит дайкалари Қумбел-Угом чуқур ер ёриқлари зонасига – «Чотқол-Қурама иссиқ нуқтаси» – перм мантиявий магматизми илдиз қисми жойлашганлиги тахмин қилинаётган Оқтепа субишқорли габброидлар ареалига томон ортиб боради. Минтақадаги асос таркибли перм кичик интрузиялар ва дайкаларнинг титанлик, магнезиаллик, темирлик, глиноземлик, ишқорлик даражаларининг мослигидан ҳамда таснифлаш ва петрокимёвий дискриминацион диаграммаларида бир ёки бир-бирига яқин майдонларда жойлашганлигидан келиб чиқиб, ушбу жинслар ягона субишқорли базальтоид магмасининг дифференциатларига тегишли деб топилган.

Микрозонд тадқиқотлари натижасида плитаици габброид ассоциацияси жинсларида акцессор минералларнинг, маъдан шакллантирувчи флюид ҳосилаларининг турлари ва учраш шакллари аниқланган бўлиб, улар магманинг маъдан элементларига бойиганлик даражасини акс эттиради. Темир, титан, никель, кобальт, мис, қўрғошин, рух, олтин, кумуш ва фосфорнинг асосий минерал-концентраторлари ва минерал ташувчилари аниқланган.

Темир ва титаннинг оксид минераллари (магнетит, титаномагнетит, ильменит в.б.) Оқтепа ва Олчали массивлари габброидларида 3-5 % ни ташкил этади. Базан ильменитнинг магнетитни ичида қўшимталари учрайди. Магнетитларда TiO_2 микдорлари 1,0 дан 4,55 % га, V_2O_5 – 0,39-0,76 % га этади. TiO_2 нинг энг кам микдордаги концентрациялари (0,33 % гача) пироксенитлардаги ҳамда анортозитлардаги магнетитлар учун хос. Қуртош интрузиви пироксенитларидаги магнетитларда миснинг қўшимталари (CuO 1,46-1,87 %) аниқланган. Бундан ташқари, Олчали интрузиви габброидларида кумулятив ҳосила тарзида учровчи перидотитларнинг оливинлари ичида халькозин билан яқин ассоциациясида бўлган темир-мисли микроҳосилалар қайд этилган. Оқтепа массиви габброидларидаги ва Чодак маъданли майдони трахидолерит дайкаларидаги магнетитларда никель қўшимталари учрайди (габброидларда: Ni 0,17-0,19 %; трахидолерит дайкларида: Ni 0,07-0,08 %). Бошқизилсой трахидолерит дайкалари магнетитларида олтин ва рухнинг қўшимталари мавжуд (%): Au – 0,26; ZnO – 0,53.

Апатит. Оқтепа массиви меланогабброларида унинг микдори 5 % дан ортади. Минтақа плитаици габброид ассоциацияси жинсларида меланократликнинг кучайиши билан апатит микдорини ортиши қайд этилган. Улар хлорли (Cl – 0,08-1,56 %) бўлиши билан бирга иттрий (Y_2O_3 – 0,0n-1,57 %) ва нодир ер элементларининг (TR_2O_3 – 0,71-5,26 %) ташувчилардир. Баъзан минерал-концентраторлари – иттропатитнинг сийрак кристаллари учрайди (Y_2O_3 – 2,00-5,64 %; TR_2O_3 – 0,77-3,11%) ва монацит (TR_2O_3 – 42,09-64,22 %).

Сульфид минераллари нисбий тарқалишига кўра қуйидаги камайиб боровчи қаторни ҳосил қилишади: халькопирит-пирит-галенит-сфалерит-молибденит-джемсонит. Халькопиритнинг таркибида платиноидларнинг ўртача микдори – 2,03 %. Уларнинг халькопиритлардаги юқори концентрациялари Ертошсой трахидолерит дайкаларида (5,64 % гача), Оқтепа мезократ габброларида (5,17 % гача) қайд этилган бўлиб, ассоциациянинг бошқа жинсларида 0,32-3,22 % ни ташкил этади. Олтин ва кумуш Оқтепа массиви габброидларининг халькопиритларида (Au – 0,13-0,27 %; Ag – 0,08-0,09 %), Ерташсой (Au – 0,08 %; Ag – 0,48 %) ҳамда Четсув-Шавкатли (Au – 0,03 %; Ag – 0,18 %) трахидолерит дайкалариникида аниқланган. Уларда молибден ва ренийнинг микдорлари жуда ўзгарувчан (Mo 2,6-10,11 г/т, ўртача – 3,75 г/т; Re 1,53 г/т гача, ўртача 0,25 г/т). Ушбу жинслардаги пиритлар никельни (0,13-1,82 %; ўртача – 0,34 %), кобальтни (0,07-7,36 %, ўртача – 1,63 %), молибденни (0,0n-3,63 %, ўртача – 0,95 %), ренийни (0,0n-1,66 %, ўртача -0,54 %), платиноидларни (0,0n-4,76 %, ўртача – 1,85 %) ва нодир ер металлари (0,33-3,04 %, ўртача-1,55 %) ташувчиларидир.

Карбонатли минераллар ассоциация жинсларида ажралмалар, миндалиналар ва томирчалар тарзида учровчи кальцитдан иборат бўлиб, кўп холларда, асосан трахидолерит ва лампрофир дайкаларида уларнинг ичида сульфид минераллари мавжуд бўлади. Ушбу магматик жинсларда кальцит иттрий ва нодир ер металлариининг асосий минерал-ташувчиларидан бири ҳисобланади. Мазкур элементларнинг кальцитдаги юқори миқдорлари Четсув-Шавкатли маъдан майдони трахидолеритларида (3,4 % гача), Оқтепа ва Олчали массивлари габброидларида (мос равишда 2,08 ва 2,77 %) аниқланган. Бешқўл ва Ризоқ лампрофир дайкаларида нодир ер металлариининг хос карбонатли минерал-концентраторлари – калькинсит ва синхизит пайдо бўлади.

Асос таркибли кичик интрузиялар ва дайкалар жинсларида кремний-ишқорли, кремний-ишқор-хлоридли ва кремний-ишқор-фосфатли кристаллашган флюидларнинг жинс хосил қилувчи минераллар ичида қамалиб қолган микрохосилаларининг учраши диққатга сазовордир. Микрозонд текширувлари натижасида Олчали массиви маъдандор габброидларидаги юқоридаги каби микрохосилаларни таркибида миснинг (CuO 1,23-60,27 %) ва молибденнинг (MoO₃ 1,01 % гача) нисбатан юқори концентрациялари аниқланган. Чодак трахидолерит дайкаларидаги жинс хосил қилувчи минералларнинг ичида қамалиб қолган флюидли микрохосилалардаги тузли нанокристалларда олтин (Au – 0,34 %) ва родийнинг (Rh₂O₃ – 1,10 %) кўшимталари мавжуд.

Минтақа плитаичи габброид ассоциациясининг геохимёвий ихтисослашувини тавсифлаш мақсадида жинсларнинг масс-спектрометриқ таҳлиллари ўтказилган. *Темирнинг ва титаннинг* юқори миқдорлари Оқтепа массиви меланократ габброидларида аниқланган бўлиб (Fe – 180000 г/т, Ti – 24000 г/т), бу ерда уларнинг концентрациялари кларклариникидан 3,1 ва 5,3 марта кўп. Уларнинг юқори кларк-концентрациялари, шунингдек мелано- ва мезократ трахидолерит ҳамда лампрофир дайкаларида қайд этилган (Fe 58000 - 81000 г/т, Ti 5900 - 11166 г/т). *Кобальтнинг* миқдорлари Оқтепа интрузиви меланократ габброларида (Co 49-100 г/т), Қуртош ва Олчали интрузивлари пироксенитларида (мос равишда Co 34 г/т ва 51 г/т) мазкур интрузивларнинг лейкократ габброларидагига нисбатан юқорилиги аниқланган. Ушбу жинслар учун *никелнинг* кларкга нисбатан кам миқдордалиги хос. Асосли дайкаларда никель ва кобальт деярли бир хил тарқалган: мос равишда трахидолеритларда 20 г/т ва 27 г/т, лампрофирларда – 23 г/т ва 33 г/т.

Минтақа плитаичи габброид ассоциацияси жинсларининг ўзига хос жиҳати фосфорнинг миқдорини юқорилиги, кларк қийматидан 1,5-4, баъзан 9-12 марта кўплиги бўлиб, бу уларнинг фосфорга геохимёвий ихтисослашганлигини кўрсатади. Меланогаббро лейкогабброга нисбатан фосфорга бойроқ (9000-12000 г/т.).

Минтақанинг барча асосли кичик интрузиялари ва дайкалари *халькофил элементларга* (Cu, Zn, Pb, Tl, Cd, Se, Sb, As, Te, Bi, Ag) бир хил геохимёвий ихтисослашмаган. Миснинг энг юқори миқдорлари Олчали массиви габброидларида аниқланган (Cu – 30-1200 г/т, ўртача 386 г/т). Улар кларкдан ортиқ, баъзан 12-25 марта кўп. Оқтепа интрузиви габброидлари миснинг

миқдори камлиги билан ажралиб туради (Cu –13-130 г/т, ўртача 43,2 г/т). Қуртош интрузиви мафитларида ҳам унинг миқдори камлиги қайд этилган. Мис асосан халкопирит ва пиритда концентрацияланган. Оқтепа массиви габброидларида рух ва қўрғошиннинг миқдорлари кларклариникига яқин (Zn – 112 г/т, Pb – 21 г/т), аммо сульфидлашган мезократ габброларда Zn – 580 г/т га, Pb – 1000 г/т га етади. Уларнинг кларкларидан юқори миқдорлари Олчали интрузиви маъдандор габброларида (Zn – 190 г/т, Pb – 58 г/т) ва пироксенитларида (Zn – 140 г/т, Pb – 20 г/т) аниқланган.

Минтақада асос таркибли кичик интрузиялар ва дайкаларнинг жойлашувида геокимёвий зоналлик кузатилади. Бу ҳолат массивларнинг ва маъданли майдонларнинг эррозион кесимларини хар-хилигига боғлиқ: ғарбдан шарққа томон уларда маъданли элементлар миқдорларининг қонуниятли ортиши кузатилади. Олчали массиви габброидлари Оқтепа ва Қуртош интрузивлариникига нисбатан олтин ва кумуш миқдорларини кўпроқлиги билан ажралиб туради. Масалан, Олчали габброид массиви жинсларида (шарқда) олтин ва кумушнинг максимал миқдорлари мос равишда кларклариникидан 10-20 ва 12-14 марта кўп (Au 0,045-0,086 г/т, Ag 0,89-1,0 г/т). Қуртош интрузиви мафитларида (ғарбда) олтиннинг концентрацияси кларклариникидан 3-5 марта (Au 0,011-0,013 г/т), кумушниги – 5-6 марта (Ag 0,15-0,41 г/т), Оқтепа массиви габброидларида эса – мос равишда 9-13 марта (Au 0,04-0,06 г/т) ва 7-8 марта (Ag 0,59-0,93 г/т) юқори. Чодак маъдан майдони трахидолерит дайкаларида олтин ва кумуш миқдорлари (Au 0,005-0,05 г/т, ўртача 0,039 г/т; Ag 0,21-2,23 г/т, ўртача 0,68 г/т) Ертош (Au 0,014-0,05 г/т, ўртача 0,032 г/т; Ag 0,18-0,42 г/т, ўртача 0,20 г/т) ва Қизилолма майдоналириникига (Au 0,003-0,027 г/т, ўртача 0,017 г/т; Ag 0,29-0,67 г/т, ўртача 0,0447 г/т) нисбатан кўпроқ. Бу каби ҳолат сурма, теллур ва маргумушнинг миқдорлари мисолида ҳам такрорланади.

«Чотқол-Қурама минтақаси сиенитоид ассоциацияси» деб номланган учинчи бобда перм магматик комплексларининг сиенитоидларидан ташкил этилган кичик интрузиялар ва дайкалар жинсларининг геологик ўрни, петрографик ва петрокимёвий хусусиятлари, аксессуар-минералогик ва геокимёвий ихтисослашуви баён қилинган.

Т.Н.Долимов (1967 й.) чилтон сиенит-порфирлари ва боботок (бобойтаудор) граносиенит-порфирларининг ёшлари бир хиллигини ҳамда фациал турлардан иборатлигини таъкидлаган. Унинг фикрига кўра «чилтон» сиенит-порфирлари камроқ эррозияга учраган, бобойток граносиенит-порфирлари эса ушбу жинсларнинг чуқурроқ эррозияга учраган қисмларини ташкил қилади. Гузаксой комплекси сиенитоид дайкалари фақатгина Чодак маъданли майдонида ажратилганлигини ҳисобга олиб, биз уларни минтақавий тарқалишга эга чилтон комплексининг муқобил жинслари билан тенглаштирамиз. Мазкур комплекслар кечки перм ёшида бўлиб, бу уларни эрта перм ёшидаги қизилнура комплекси жинсларини кўп жойларда ёриб чиққанлиги ва мутлоқ ёшларини аниқлаш бўйича Rb-Sr усулида олинган натижаларга асосланган (276-275 млн. йил, $I_{Sr}=0,7065$, В.Н.Волков в.б., 1999 й.).

Чилтон комплекси сиенит-порфирлари ва кварцли сиенит-порфирлари трахидолеритлар, гранит-порфирлар, онгонитлар билан бирга параллел

йўналган ер ёриқлари бўйича ривожланган дайкалар дасталарини, шунингдек мустақил таналарни ҳосил қилишган. Баъзан сиенитоидлар трахидолеритларнинг эндоконтакт қисмларида учраб, биргаликда мураккаб дайкаларни шакллантирган. Ушбу жинсларнинг контактлари кескин, аммо бир-бирига аста-секинлик билан ўтиши ҳам кузатилган. Кам ҳолларда чилтон комплекси сиенитлари радиал дайкалар ҳосил қилган бўлиб, улар сиенитоидлардан ташкил этилган штоксимон таналарнинг марказларига йўналган. Сиенит-порфир, кварцли сиенит-порфир ва трахит дайкаларидан ташқари сферолитли трахитларнинг дайкалари ҳам учрайди.

Бобойтаудор комплекси сиенитлари ва граносиенитлари Бобойтаудор лакколитининг ичида штоксимон таналар ҳосил қилган ёки унинг атрофида халқа кўринишидаги дайкалар, баъзан порфирли кичик интрузиялар (масалан, Олатанга, Бешқўл-Сардала, Айғирбайтал гипабиссал интрузивлари) тарзида ривожланган. Оқтепа маъданли майдонининг тузилишида иштирок этувчи сиенитоидлар габброид интрузив таналари билан бир жойда ривожланган бўлиб, умумий ҳажмига кўра улардан кичикроқ. Бу базит ва сиенитоид дайкаларининг ёшларини бир хиллигини, битта майдонда тарқалганлигини ҳамда биргаликда мураккаб тузилган дайкаларни ҳосил қилганликларини изоҳлаш ҳамда уларни ўзаро генетик алоқадор ва бирламчи субишқорли базальт магмасинининг эволюциясини турли фазаларидан иборат деб ҳисоблаш имконини беради.

Минтақа сиенитоид кичик интрузиялари ва дайкаларининг кимёвий ва петрокимёвий хусусиятлари тўлиқ бир-бирига мос. Уларда SiO_2 миқдорлари ўхшаш, ўрта (сиенитлар), нордон (кварцли сиенитлар ва граносиенитлар) жинслардан иборат бўлиб, субишқорлилиги билан ($\text{Na}_2\text{O} + \text{K}_2\text{O} - 10\%$ гача) тавсифланади. Улар петрокимёвий коэффициентларининг ўртача қийматлари бўйича магматик жинсларнинг калий-натрийли сериясига (кичик интрузияларда $\text{Na}_2\text{O}/\text{K}_2\text{O} - 1,15$; дайкаларда $\text{Na}_2\text{O}/\text{K}_2\text{O} - 2,03$) ва юкориглиноземли қаторига (кичик интрузияларда $al' - 2,37$; дайкаларда $al' - 2,47$) мансуб. Сиенитоид кичик интрузияларнинг агпаитлик коэффициентлари ($Ka - 0,35$) сиенитоид дайкалариникига мос ($Ka - 0,42$). Бу каби ҳолатни уларнинг фемиклик коэффициентларини таққослашда ҳам кўриш мумкин (кичик интрузияларда $f' - 9,19$; дайкаларда $f' - 9,72$).

Чотқол-Қурама минтақаси перм ёшидаги сиенитоид кичик интрузиялари ва дайкаларидаги қимматбаҳо ва нодир металлларнинг асосий минерал-концентраторларини ва минерал-ташувчиларини аниқлаш мақсадида «Jeol-8800Rh» электрон микранализаторида 60 га яқин турдаги акцессор-маъдан минераллари ва маъдандор флюидли қўшимталарнинг учраш шакллари ва таркиблари ўрганилган.

Соф металллар ва метали қотишмалар. Бешқўл интрузиви граносиенит-аплитларида соф молибден микроқўшимталари аниқланган бўлиб, уларнинг таркибиларида кам миқдорда вольфрам (0,47 %), рений (0,32 %), осмий (1,32 %) ва олтингугурт (0,49 %) учрайди. Говхонасой интрузиви кварцли сиенитларида темир-никелли ва кўрғошин-ванадий-платиноидли қотишмалар топилган. Охиргиларида платиноидлардан (7,8 %) ташқари олтин (1,5 %) ва кумуш (1,26 %) мавжуд. Бешқўл интрузиви

граносиенитларида алюминий-никелли ва мис-рухли таркибли металл қотишмалари аниқланган. Ушбу жинсдаги кварцнинг порфир донасида соф олтин топилган бўлиб, унда платиноидлар (3,6 %), мис (0,49 %) молибден (0,50 %) ва ниобий (0,99 %) қўшимталари мавжуд.

Минтақа сиенитоидларидаги аксессуар минераллар орасида энг кенг тарқалганлари *темир ва титаннинг оксидлари (магнетит, титаномагнетит, ильменит, рутил ва гематит)* ҳисобланади. Сиенитоид дайкаларидаги магнетитлар олтин, кумуш ва платиниодларни ташувчилар ҳисобланади. Бу уларнинг қўшимталарини мазкур жинслардаги магнетитлар таркибларида аниқланганлиги билан асосланади. Масалан, Қизилолмасой маъданли майдони жанубий-ғарбий флангидаги (Қуртошсой) сиенит-порфир дайкалари магнетитларида (%): Ag_2O – 0,41; Au – 0,12; Pd – 0,08; Оқтепа маъданли майдони трахит дайкалари магнетитларида (%): Rh – 0,04; Pd – 0,16; Pt – 0,54; Чодак маъданли майдони сиенит-порфир ва сферолитли трахит дайкаларидаги магнетитларда (%): Au – 0,0n-0,36; Ag_2O – 0,0n-0,12; Ru_2O_3 – 0,0n-0,27; Rh_2O_3 – 0,0n-0,58; Pd – 0,0n-0,28. Ильменит ва манганильменит сиенитод кичик интрузияларда ва дайкаларда нисбатан камроқ учрайди, кўп ҳолларда титанит ва рутил (лейкоксен) ҳосил бўлган. Бу жинсларда ильменит ва манганильменит кристаллари деярли ҳамма вақт ниобийнинг ташувчиси ҳисобланишади, аммо унинг кўпроқ миқдори манганильменитда аниқланган (Nb_2O_5 – 0,65 %; Ta_2O_5 – 0,24 %). Бешқўл интрузиви граносиенит-порфирларининг, ҳамда Чодак майдони кварцли сиенит-порфирларининг ильменитларида рухнинг қўшимталари мавжуд (мос равишда, ZnO – 0,59 % ва 0,83 %). Бешқўл интрузиви граносиенитларининг микрофовакларидagi гематитларда қуйидаги қўшимталар аниқланган (%): Au_2O – 0,21; Ag_2O – 0,10; Ru_2O_3 – 0,05; Rh_2O_3 – 0,18.

Минтақа плитачи сиенитоид ассоциацияси жинсларида *касситерит* қалайиннинг асосий минерал-концентратори бўлиб, у кичик интрузиялар ва дайкаларда майда доналар тарзида нотекис тарқалган, ҳамда уларнинг дарзликларида ривожланган кварц-гематит-хлоритли томирчаларда кузатилади. Касситерит гематит, серицит ва кварц билан парагенетик равишда бирга учрайди.

Ниобий, нодир ер металлари, торий ва ураннинг оксид ва гидрооксид минерал-концентраторлари самарскитдан, фергюсонитдан, ризеритдан, иттрокразитдан, герасимовскитдан, торитдан ва ураноторитдан иборат.

Нодир ва нодир ер элементларининг силикат минерал-концентраторлари циркондан, ортит ва чевкинитдан иборат. Циркон – цирконий ва гафнийнинг минерал концентратори деярли овалсимон юмолоқланган қиёфадаги дипирамидал, ромбо-октаэдрик кристаллар тарзида чилтон комплекси кварцли сиенит дайкаларида тез-тез учрайди. Минтақа сиенитоид кичик интрузиялари ва дайкаларидаги цирконларда Zr/Hf қийматлари ва таркибларидаги қўшимта элементларнинг турлари ўхшаш. Кварцдор сиенит-порфирлардаги ортитларда қуйидаги қўшимталар мавжуд (%): F – 1,75; Au – 0,09; Ag_2O – 0,08, чевкинитларида эса V_2O_5 – 0,41 %; PbO – 0,71 %; WO_3 – 1,70 %; Nb_2O_5 – 8,32 %; Ta_2O_5 – 2,05 %. Ангрэн фаялитдор онгононитлар дайкасини қуршаб турган граносиенит-порфирларнинг

чевкинитлари торий ва кумушнинг ташувчилардир (%): ThO_2 – 2,10-2,20; Ag_2O – 0,27-0,48.

Минтақа плитаичи сиенитоидларида *фосфордор ва фосфат минераллари* (апатит, иттроапатит, ксенотим, монацит, рабдофанит, чёрчит в.б.) нодир ва нодир ер элементларининг минерал концентраторлари ва минерал-ташувчилари орасида алоҳида ўринга эга. Сиенитодларнинг кичик интрузияларида апатит ва иттроапатит дайкаларидагига нисбатан камроқ учрайди. Кристалланишнинг эрта босқичига мансуб фосфатлар аксарият холларда хлордор ва иттрийнинг ташувчилари ҳисобланади, ҳамда улар титан ва нодир ер металлларнинг мураккаб фторфосфатлари учрай бошлагунга қадар кузатилади. Ксенотим Шавкатли маъдан номоёндаси граносиенитларида ва улар билан боғлиқ метасоматитларда ҳамда маъдандор томирларда кўпроқ тарқалган. Монацит рабдофанит, чёрчит в.б. билан бирга майда доналар тарзида учрайди. Шавкатли маъдан номоёндаси граносиенит-порфирларидаги монацитда таллий кўшимтаси аниқланган (Tl_2O_3 – 7,32%).

Карбонатлар ва фторкарбонатлар (шунингдек гидрокарбонатлар) минтақа сиенитоид кичик интрузиялари ва дайкалари жинсларида, ҳамда улар билан боғлиқ метасоматитларда ва маъданларда нодир ер элементларининг асосий ташувчилари ва концентраторлари ҳисобланади. Ушбу ҳосилаларда нодир ер элементларининг асосий ташувчи минераллар кальцитдан, фтордор кальцийгидрокарбонатдан, фтордор манган-кальцитдан ва анкеритдан иборат. Асосий минерал-концентраторлари – калькинсит, синхизит и лантанит. Шавкатли қалайили маъдан номоёндасидаги кварц-гематит-хлоритли метасоматитларда ва маъданли томирчаларда нодир ер элементларининг аномал юқори миқдорлари (3000 г/т гача) аниқланган бўлиб, уларнинг шаклланиши граносиенитларга алоқадор. Бу ерда нодир ер элементлари синхизитларда концентрацияланган. Ўз навбатида карбонатлар ва фторкарбонатлар қимматбаҳо ҳамда нодир металлларнинг ташувчилари ҳисобланади. Масалан, Бошқизилсой сиенит-порфир дайкаларининг кальцитларида қуйидагилар аниқланган (%): ZrO_2 – 0,16; In_2O_3 – 0,52. Бешқўл интрузиви граносиенит-аплитларидаги синхизитда ниобий (Nb_2O_5 – 0,91%), унинг фторли турида рух (ZnO_2 – 0,59%) мавжуд. Шавкатли граносиенитларининг гумбазусти қисмида ривожланган кварц-гематит-хлоритли таналардаги синхизитларда олтин ва кумуш кўшимталари учрайди (Ag_2O – 0,38 %; Au – 0,23 %), Пирмироб кони сферолитли трахитларининг калькинситлари ва синхизитларда эса: мос равишда Au – 0,12 %; 0,20 %; Ag_2O – 0,0%; 0,21 %; Pd – 0,21%; 0,02%.

Сиенитоид кичик интрузиялари ва дайкаларининг нордонроқ турларида фторфосфатлар, фторкарбонатлар билан *флюорит* ҳам учрай бошлайди. Унда иттрий (Y_2O_3 – 1,58 % гача) ва нодир ер элементлари (TR_2O_3 – 5,18 % гача) кўшимталари мавжуд.

Минтақа сиенитоидларида сульфид минераллари нотекис тарқалган. Уларнинг асосий қисми сиенитоид дайкаларида концентрациялашган. Сульфидларнинг орасида пирит кўпроқ, халькопирит нисбатан камроқ кузатилади, шунингдек галенит ва висмутин сийрак тарқалган. Каттаоқар (Ертош майдони) кварцли сиенит-порфир дайкаларидаги пирит ва халькопиритда рений, платиноидлар ва нодир ер металлларининг аҳамиятли

микдорлари аниқланган (% , пиритда Re – 1,49; ПГЭ – 2,77; TR– 2,11; халькопиритда Re – 3,35; ПГЭ - 1,35; TR – 1,53). Бешқўл интрузиви граносиенитларидаги галенитнинг сийрак доналарида молибден қўшимтаси мавжуд (Mo – 6,18 %). Оқтепа маъданли майдони сиенитоидларидаги пиритларда кумуш ва платиноидларнинг микдорлари мос равишда 0,35 % ва 4,42 % га етади. Бундан ташқари улар никелни Ni – 0,12-0,19 %) ва нодир ер металлари (TR – 0,50-1,01 %), айрим ҳолларда молибденни (Mo – 7,23-8,60 %) ва рухни (Zn – 0,10-0,14 %) ташувчилари ҳисобланишади.

Кварцли сиенит-порфирлар ва сферолитли трахитлар дайкаларида *илк бор маъдан шакллантирувчи кремнийли, кремний-ишқор-фторли, кремний-ишқор-хлорли флюид микроҳосилалари ва уларнинг ичида олтин, кумуш ҳамда платиноидларнинг ташувчилари бўлмиш шакарсимон, радиал-нурсимон кўринишдаги нанокристаллар аниқланган*. Бу Қизилолмасой маъданли майдони жанубий-ғарбий флангида (Қуртошсой) ривожланган сиенит дайкаларидаги кремний-ишқор-хлорли флюид микроҳосилаларида кумуш ва родийнинг аҳамиятли концентрацияларини мавжудлиги билан тасдиқланган (% , Ag₂O – 0,14; Rh₂O₃ – 1,00). Улардаги шакарсимон нанокристаллар учун олтин, кумуш ва платиноидларнинг юқори концентрациялари хос (% , Au – 0,33-0,50; Ag₂O – 0,40-0,50; ПГЭ – 1,49-1,83). Чодак маъданли майдонидаги сферолитли трахит дайкаларида аниқланган шакарсимон, радиал-нурсимон нанокристаллар ҳам олтин, кумуш ва платиноидларга ихтисослашган (% , Au – 0,12; Ag₂O – 1,33; ПГЭ – 3,44). Уларда калийнинг олтин ва платиноидлар билан тўғри корреляцияси кузатилади, яъни калийнинг миқдорини ортиши билан ушбу элементларники ҳам ортади. Бунга асосланиб, минтақадаги платиноид юкламалари олтин-кумуш маъданли объектларнинг, уларнинг худудларида кенг ривожланган, маъдан шакллантирувчи кремний-ишқор-хлорли флюид микроҳосилаларига бой сиенитоид кичик интрузиялар ва дайкаларга генетик алоқадорлигини тахмин қиламиз.

Бобнинг кейинги қисмида *плитаичи сиенитоид интрузивларининг қалайига, ниобийга, танталга, нодир ер металларига, цирконийга, олтинга ва кумушга геокимёвий ихтисослашганлиги* асосланган. Ҳусусан, сиенитоид кичик интрузияларида ва дайкаларида қалайининг нотекис тарқалганлиги кўрсатилган. Қалайининг энг юқори концентрацияси Чодак маъданли майдонидаги таркибида донадор гематит учровчи сиенит-порфир дайкаларида (Sn – 300 г/т) ҳамда Шавкатли маъдан номоёндасидаги граносиенит-порфир штоки гумбаз қисмида жойлашган кварц-гематит-хлоритли гидротермал томирларда аниқланган (Sn – 360-520 г/т). Ниобий-танталдорлик сиенитоид кичик интрузиялари жинсларида сиенит (ёки трахит) дайкаларига қараганда яққолроқ номоён бўлган, биринчисида максимал умумий миқдорлари 94 г/т, дайкаларда – 48,2 г/т. Шунингдек, сиенитоид кичик интрузияларида дайкаларига нисбатан уран ва торийнинг миқдорларини кўплиги яққол билинади. Уларнинг биринчисида ураннинг максимал миқдори 40 г/т га, торийники 94 г/т га етади, сиенит дайкаларида эса бу миқдорлар мос равишда 10,6 г/т, 36,2 г/т ни ташкил этади, ваҳоланки бу қийматлар ҳам кларклариникидан юқори. Бешқўл интрузиви граносиенит-аплитларида интрузивнинг туб жинслариникига мос равишда ушбу металлларнинг миқдорларини юқорилиги диққатга сазовордир (U -20 г/т, Th - 90

г/т). Цирконий ва гафнийнинг энг юқори миқдорлари кварцли сиенит-порфир дайкаларида қайд этилган (Zr– 450 г/т, Hf – 9,1 г/т), шунингдек граносиенит кичик интрузиялари учун ҳам уларнинг миқдорларини кларклариникидан ортиқлиги аниқланган. Масалан, уларнинг юқори концентрациялари Каукол ер ёриғи зонасида (Шавкатли қалайи маъдани номоёндасида) ривожланган граносиенит-порфир штокида (Zr – 260 г/т, Hf – 6,8 г/т), ҳамда унинг гумбаз қисмларида учровчи гидротермал томирларда қайд этилган (Zr – 340-390 г/т, Hf – 13-15 г/т).

Шавкатли граносиенитлари апофизаларида ва апикал қисмларида учровчи кварц-гематит-хлоритли метасоматитлар ва гидротермалитларда (томирларда) иттрий, скандий ва нодир ер металлларнинг умумий концентрациясининг жуда юқорилиги аниқланган (922-2689 г/т). Шунингдек, мазкур постмагматик ҳосилаларда қуйидагиларнинг юқори концентрациялари мавжуд (г/т да): Be 22-160, Th 15-150, U 21-27, Sn 360-520, Zr 340-390, Hf 13-15, Nb 140-170, Ta 9,4-10 ва W 400-540. Бу ҳолат ушбу жинсларни комплекс равишда нодир ва нодир ер металларига комплекс ихтисослашганлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Чотқол-Қурама минтақаси онгориолит-лейкогранит ассоциацияси**» деб номланган тўртинчи бобида ушбу ассоциациянинг жинсларини геологик ўрни ва моддий таркиблари тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган. Тадқиқотлар натижасида илк марта ушбу жинсларнинг янги турлари – эгиринли онгориолитлар (Ертош некки), фаялитдор онгонитлар (Ангрен дайкаси) и фаялитдор лейкогранитлар (Четсув интрузиви) топилган ва таърифланган.

Онгонитлар ва онгориолитлар оқиш-кулранг, оқиш тусда бўлиб, дайкалар, кўппоғанали силлар ва некксимон таналарни ташкил қилган, эндоконтактлари эксплозив туффизитлардан (флюидизатлар) иборат. Улар кечки карбон қизилнура комплекси адамеллит-порфирларини ва эрта перм ёшидаги риолит-аляскит вулқон-плутон комплекси жинсларини ёриб чиққан. Шавозсой ишқорий ер металллар (Li, Rb, Cs) конидаги онгориолитларнинг рубидий-стронций изохрона усулида аниқланган ёши 263 ± 2 млн. йил ва изотопларнинг бирламчи қийматлари $(^{87}\text{Sr}/^{86}\text{Sr})_0=0,7116$ бўлиб, улар Ертош маъданли майдони эгиринли онгориолитлари бўйича олинган натижаларникига (264 ± 3 млн. йил, $(^{87}\text{Sr}/^{86}\text{Sr})_0=0,709$) мос. Онгонитлар ва онгориолитларнинг субвулқон таналарида порфир ажралмалари тоғ жинси умумий ҳажмининг 15-35 % ни ташкил қилади. Порфирларда (%): плагиоклаз – 45-50; калийли дала шпати 15-20 дан 25-30 гача; кварц – 15-30; қорамтир минераллар – 2,0-5,5. Плагиоклаз порфирларининг таркиблари ўзгарувчандир: альбит-олигоклаздан (An_{15}) олигоклаз-андезингача (An_{26}). Онгонитлардаги калийли далашпатлари барийдор (BaO 10 % гача). Слюданинг хлоритлашган, опацитлашган порфир ажралмалари ҳам учрайди. Тоғ жинсининг асосий массаси кварц-далашпатли, микродонали, баъзан яширин кристаллашган ички тузилишга эга.

Эгиринли онгориолитларнинг ўзига хос жиҳати уларда 5-7 % эгирин, кварц ва флюорит ассоциациясидан иборат шлирсимон ажралмалар ва тўртбурчак, призматик, овал, тухумсимон, пилласимон ва изометрик кўринишдаги уюмларнинг мавжудлигидир. Макроскопик ўрганилганда улар тоғ жинсининг кулранг тусли шишасимон асосий массасида ўлчамлари 2x5 мм бўлган

қорамтир доғлар кўринишида ажралиб туради. Эгирыннинг едирилган доналари ва кристаллари микрофельзитли базисда кузатилади, микдорлари 2-5 %.

Фаялитдор онгонитлар қалин (200-300 м) дайкасимон таналар шаклида Бобойтаудор лакколити трахириолитларини ёриб чиққан ва Оҳангарон дарёси ўнг қирғоғида узилишлар билан субмеридионал йўналишда 15 км га чўзилган. Фаялитдор лейкогранитларнинг кичик интрузиялари (0,02-0,05 км² дан 4-5 км² гача) эрта перм ёшидаги Бобойтаудор лакколити трахириолитларини ва фельзит-порфирларини ёриб чиққан. Четсув штоки жинслари кулранг, қорамтир-кулранг тусга, порфирсимон тузилишга эга. Асосий массалари майда-ўртача донадор, микрогранитли, баъзан микропегматитли, кварц-далашпатли. Порфир ажралмалари фаялитдор онгонитларникига ўхшаб, асосан нордон плагиоклаздан (альбит-олигоклаз, олигоклаз), калийли далашпатдан, кварцдан, камроқ биотитдан, пироксендан (ферроавгит, эгирын-авгит), ишқорли амфиболдан (ферропаргасит), фаялитдан ва гранатдан иборат. Мазкур жинслар учун кварцнинг бошқа салик минералларига нисбатан идиоморфизми, фаялитни, флюорит ва нодир ер металлларининг карбонатлари хосилаларни мавжудлиги хос. Шунингдек, фаялитдор онгонитларда ва лейкогранитларда қуйидаги таркибга эга қорамтир-кулранг, кулранг тусли шишасимон, яширин кристаллашган хосилалар учрайди (%): SiO₂ – 77,74; Al₂O₃ – 13,60; FeO + Fe₂O₃ – 0,29; CaO – 1,54; Na₂O – 6,37; жами – 99,54.

Минтақадаги фаялитдор онгонитлар ва фаялитдор лейкогранитларнинг мутлоқ ёши кечки пермга тўғри келади (Ангрен дайкаси - 264 ± 3 млн. йил; Четсув интрузиви - 263 ± 2 млн. йил, Rb-Sr-усул, ЎзР ФА ГГИ). Изотоплар нисбатларининг бирламчи қийматлари (⁸⁷Sr/⁸⁶Sr)₀ = 0,70889-0,70989 ушбу жинсларнинг генетик яқинлигидан далолат беради ва магматик суюқликлари аралаш мантия-қобик табиатига эгаллигини кўрсатади.

Онгонит-лейкогранит ассоциация жинслари Курама тоғларининг жанубий-шарқий қисмида жойлашган Чоркесар майдонида ҳам аниқланган. Бу ерда онгонит дайкалари ва лейкогранит-порфирларнинг штоксимон таналари эртаперм ёшидаги Чоркесар массиви аляскитоид гранитларини ёриб чиққан. Онгонитлар оқиш ёки оқиш-кулранг тусли, массив текстурали, афанитли тузилиши. Уларнинг таркибида альбит ва кварцнинг юмолоқ микропорфирли ажралмаларига бойиган зоналар учрайди. Микродонадор массасида кварц, дала шпати, слюда ва флюоритларнинг зўрға кўринидиган (0,1 мм, баъзан 1,0 мм) доналаридан тузилган қисмларни кўриш мумкин. Микрозонд текширувлари натижасида онгонитларда мусковитдан ташқари, таркибида нодир ер элементлари учровчи (TR₂O₃-3,59%) слюда аниқланган. Лейкогранитларнинг ер ёриқлари бўйлаб ривожланган штоксимон таналарида порфир ажралмалари 25-30 % га етади ва улар одатда кварцнинг идиоморф доналаридан, K-Na-ли далашпатдан, плагиоклаздан ҳамда биотитдан иборат. Майдадонали массасини микрозонд текшириш натижасида фаялитнинг ўзгариши маҳсулоти (иддингсит) ва ишқорли пироксеннинг сийрак доначалари аниқланган. Лейкогранитларнинг асосий массаси майдадонадор, кварц-далашпатли, баъзан микропегматитли тузилишга эга. Чоркесар маъданли майдони онгонитлари ва лейкогранитларининг ажралиб турадиган жихати уларнинг фторкарбонатли флюид микрохосилаларга тўйинганлигидир. Асосий массаларида ҳам маъдандор хлорит-карбонатли смектитлар учрайди. Лейкогранит-порфирлар таналарининг гумбаз қисмларида баъзан кварц-альбитли пегматит томирлар ривожланган.

Арошон гранитоид массивининг жанубий-ғарбий қисмидаги Келенчек-Тошсой майдонида қалинликлари 0,2-3,0 м бўлган, узунликлари 100 м га етувчи лейкогранит дайкалари биотитли гранитларни ёриб чиққан ва уларни интенсив альбитлашувига ҳамда грейзенлашувига сабаб бўлган. Улар шарқ, шимолий-шарқ йўналишида чўзилган бўлиб, альбититларнинг ва уларни катаклазитларининг, кварцланиш ҳамда кварц томирларнинг йўналишларига мос. Лейкогранитлар оқиш-кулранг, оқиш тусли, майдадонадор жинслардир. Альбитдан, микроклиндан, кварцдан, темирлилиги юқори бўлган хлоритдан иборат. Лейкогранитларга флюорит ва у билан бирга учровчи титан, ниобий, нодир ер металлари, уран ва торийнинг минералларини ўз ичига олган маъдандор флюидли ажралмаларга бойлик хос. Лейкогранитларнинг рубидий-стронций усулида аниқланган ёши эртапермнинг охирларига (278 ± 4 млн. йил) тўғри келади. Стронций изотопларининг нисбати – $(^{87}\text{Sr}/^{86}\text{Sr})_0=0,7064$, ушбу нодир металл лейкогранитлар магмасини шаклланишида мантияга хос моддалар иштирок этганлигини кўрсатади. Олдинроқ Саргардон интрузиви лейкогранитлари ҳам худди шундай ёшдалиги ва улардаги стронций изотопларининг нисбатлари – $(^{87}\text{Sr}/^{86}\text{Sr})_0=0,7067$ эканлиги ҳамда уларни шаклантирган магма аралаш мантия-қобик табиатига эга бўлганлиги аниқланган (Р.Ахунджанов, 1996).

Минтақа онгориолит-лейкогранит ассоциацияси жинслари петрокимёвий коэффицентлари қийматлари бўйича калий-натрийли серияга мансуб (нодир металл гранитларда ва лейкогранитларда $\text{Na}_2\text{O}/\text{K}_2\text{O} - 1,43$; онгонитларда, онгориолитларда ва натрийли трахириолитларда $\text{Na}_2\text{O}/\text{K}_2\text{O} - 1,89$), юқори глиноземлидир (нодир металл гранитларда ва лейкогранитларда $\text{al}' - 6,27$; онгонитларда, онгориолитларда ва натрийли трахириолитларда $\text{al}' - 5,56$). Нодир металл гранитлар ва лейкогранитларнинг магнезиаллик коэффицентлари ($\text{Mg}\# - 15$) онгонитлар, онгориолитлар ва натрийли трахириолитларникига мос ($\text{Mg}\# - 16$). Бу каби ҳолатни уларнинг фемиклик коэффицентларининг қийматларини таққослашда ҳам кўриш мумкин (нодир металл гранитларда ва лейкогранитларда $f' - 2,77$; онгонитларда, онгориолитларда ва натрийли трахириолитларда $f' - 2,99$).

Минтақа онгориолит-лейкогранит ассоциацияси жинсларидаги маъдан элементларининг минерал-концентраторларининг ва минерал-ташувчиларининг учраш шакллари ва моддий таркибларини ўрганиш бўйича бажарилган микрозонд тадқиқотлари натижалари уларнинг бирламчи магматик суюқликлари маъдан шаклантирувчи флюидларга (F, Cl, CO_2 , P, S, SO_3 в.б.) ҳамда нодир литофил ва нодир ер металларига бой бўлганлигини кўрсатди.

Онгориолит-лейкогранит ассоциацияси жинсларидаги *темир, титан, марганец, хромнинг минерал-концентраторлари* магнетитдан, ильменитдан ва манганильменитдан, хромитдан, хромшипинелдан, гематитдан, рутилдан, титанитдан ва иттротитанитдан иборат. Магнетит онгонитларда ва лейкогранитларда ўлчамлари 20-50 мкм тенг майда кристаллар ҳосил қилган. Магнетитнинг йирикроқ доналари ксеноморф шаклда онгонитларнинг ва лейкогранитларнинг асосий базисида тарқалган, шунингдек ильменит, титанит, камроқ рутил билан бир парагенезисда фемик жинс ҳосил қилувчи минералларнинг ичида учрайди. Ертош неkki эгиринли онгориолитларидаги магнетитларнинг таркибларида кумушнинг ($\text{Ag}_2\text{O} - 0,22\%$) ва торийнинг ($\text{ThO}_2 - 0,74\%$) кўшимталари мавжуд. Ильменит онгонитларда, онгориолитларда ва лейкогранитларда жуда сийрак тарқалган, доналарининг ўлчамлари 0,2-0,5 мм

дан ошмайди. Унинг қўшимталари плагиоклазда, ортоклазда ва титанитда учраши мумкин. Биотитларнинг ва амфиболларнинг (ферропаргасит) ичида учровчи ильменитлар нисбатан марганецдор ҳисобланишади. Бошқа маъданли минераллар, жумладан нодир ва нодир ер элементларининг минераллари ҳамда флюорит, фторкарбонатлар ва фторфосфатлар биргаликда минерал парагенезисларни ташкил қилган. Бу каби комплекс минерал парагенезисларда ниобийдор рутил ва титанит ҳам учрайди. Бундан ташқари рутилнинг ва титанитнинг ингичка призматик, игнасимон қўшимталари биотитнинг, мусковитнинг ва улар бўйича ҳосил бўлган хлоритнинг ичида ҳам кузатилади. Мазкур минераллар ниобий ва танталдан ташқари қалайи, молибден, рений ва нодир ер металлларнинг ташувчилари бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Четсув штоки лейкогранитларидаги манганильменитларда ренийнинг (Re – 0,14%) ва нодир ер металлларининг (TR_2O_3 – 0,29 %), титанитларида лантаноидларнинг (TR_2O_3 – 0,31 %), ниобийли рутилларида қалайининг (SnO_2 – 0,50 %) қўшимталари аниқланган. Бошқизилсой онгонитларидаги иттротитанитларда цирконийнинг (ZrO_2 – 0,80 %) ва нодир ер металлларнинг (TR_2O_3 – 0,57 %), Шавозсой онгориолитларидаги рутилларда эса қалайининг (SnO_2 – 0,18 %) ва вольфрамнинг (WO_3 – 0,35 %) қўшимталари қайд қилинган. Хромит ва хромшпинелнинг сийрак доналари фақатгина Ертош некки эгиринли онгориолитларида аниқланган. Хромит бу ерда висмутнинг (унда Bi_2O_3 – 2,45 %, Cl – 0,14 %, SO_3 – 0,24 %), хромшпинел эса нодир ер элементларининг (TR_2O_3 – 3,02 %) минерал-ташувчиси ҳисобланади.

Касситерит – минтақа онгонитларидаги ва лейкогранитларидаги қалайининг ягона минерал-концентраторидир. Касситерит ва унинг темирли турларининг майда шаклсиз сийрак доналари ортоклаз ва кварцнинг порфир ажралмаларини ичида ниобийли рутил, ураноторит билан биргалик минерал ассоциациясини ҳосил қилган ҳолда Четсув интрузиви лейкогранитларининг, Ангрен дайкаси ва Чоркесар маъданли майдони онгонитларининг апофизаларида ҳамда апикал қисмларида учрайди.

Чотқол-Қурама минтақаси онгориолит-лейкогранит ассоциацияси жинсларидаги *цирконийнинг ва гафнийнинг минерал-концентраторлари* циркон, циртолит, гельциркондан иборат. Уларни орасида циркон нисбатан кўпроқ тарқалган. Унинг дипирамидал-призматик ва пластинкасимон кристалларида кўпинча торитнинг микроқўшимталари учрайди. Четсув-Шавкатли майдони фаялитдор онгонит-лейкогранит ассоциацияси жинсларида, ҳамда Ертош некки эгиринли онгориолитларида цирконнинг криптокристалл доналари «маъдан чанги»ни ҳосил қилган. Чоркесар маъданли майдони онгонитларида цирконнинг ўлчамлари 0,03x0,05 мм, зонал тузилган, ташқи зоналари ички зоналариникига нисбатан радиоактивроқ бўлган кристаллари аниқланган (ташқи зонсида - ThO_2 – 1,39-1,86 %, UO_2 – 3,91-4,31 %; ичкисида - ThO_2 – 0,38-1,17 %, UO_2 – 2,58-3,37 %). Ташқи зоналарида диаметри 0,005 мм га етувчи вакуолалар мавжуд бўлиб, таркиблари бўйича радиоактив цирконга тўғри келади, аммо уларда гафний йўқ. Циртолит ва гельциркон кечки магматик кристалланишга хос минераллар бўлиб, нодир ер металлари минераллари, фторапатит, фторкарбонат ва флюорит билан бирга учрайди.

Торит, ураноторит, иттроторит радиоактив элементларнинг минерал-концентраторлари бўлиши билан бирга иттрий ва нодир ер металлларининг минерал-ташувчилари ҳамдир. Уларнинг максимал миқдорлари Чоркесар маъдан майдони онгонитлари иттроторитларида

аниқланган ($\%$, $Y_2O_3 - 9,27$; $TR_2O_3 - 9,71$). Четсув-Шавкатли ва Келенчек-Тошсой майдонлари лейкогранитларидаги торитларда кумуш қўшимталари мавжуд ($Ag_2O - 0,83-0,90 \%$).

Нодир ва нодир ер элементларининг навбатдаги минерал-ташувчилари ва минерал-концентраторлари мураккаб силикатлардан (ортит, гидроортит, чевкинит) ва силикофосфатлардан (бритолит) иборат. Ортит ва унинг турлари (гидроортит, кальциортит, фторортит, ториортит в.б) Четсув-Шавкатли маъданли майдони фаялитдор онгонит-лейкогранит ассоциацияси жинсларидаги нодир ер элементларининг энг кенг тарқалган минерал-концентраторларига мансуб. Бундан ташқари улар қалайи ($SnO_2 - 0,10-1,17 \%$) ва молибденнинг ($MoO_3 - 0,33 \%$) минерал-ташувчилари ҳамдир. Четсув штоки лейкогранитларида таркибида торий оксидининг ўртача миқдори $19,15 \%$ ни ташкил этувчи ториортит учрайди. Ертош неки онгориолитларидаги гидроортитларда фосфор ($P_2O_5 - 0,74 \%$) ва хром ($Cr_2O_3 - 1,35 \%$) қўшимталари мавжуд, шунингдек улар олтин ($Au - 0,33 \%$) ва кумушнинг ($Ag_2O - 0,32 \%$) минерал-ташувчилари ҳамдир. Мазкур минералларнинг концентрациялари онгонитлар, онгориолит ва лейкогранит таналарининг гумбаз ҳамда апикал қисмларида ортади. Магматик таналарнинг гумбаз ва апикал қисмларини ташкил этган жинсларнинг асосий массаларида ва жинс ҳосил қилувчи минералларининг микродарзликларида улар едирилган майда призматик доналарни ҳамда микротомирчаларни ҳосил қилган. Чевкинит – нодир ер металлларининг титаносиликати Ангрен дайкаси ва Чоркесар маъданли майдони онгонитларида майда пластинкасимон, тўртбурчак кристаллар ҳосил қилган. Таркибларида торий ($ThO_2 - 2,84-4,87 \%$) ва уран ($UO_2 - 0,07-0,36 \%$) мавжуд. Чоркесар маъданли майдони лейкогранитларидаги чевкинитларда ниобийнинг қўшимталари аниқланган ($Nb_2O_5 - 3,19 \%$).

Ниобий, иттрий, нодир ер металлари ва радиоактив элементларнинг мураккаб оксидлари минтақа онгориолит-лейкогранит ассоциацияси жинсларида асосан фергюсонит ва ризёритдан, камроқ – колумбитдан, эвксенитдан, эшинитдан ва уранпироклордан иборат. Фергюсонит одатда едирилган ингичка призматик ва игнасимондан то бочкасимон кристаллар шаклида флюорит, фторкарбонат ёки фторфосфатлар билан бирга учрайди. Y-фергюсонит лейкогранитларга алоқадор пегматитлар, грейзен ва альбититлар учун хос. Моддий таркибларида доимий равишда уран ($UO_2 - 1,29-12,93 \%$) ва торий ($ThO_2 - 0,75-3,93 \%$), айрим ҳолларда молибден ($MoO_3 - 0,59 \%$), вольфрам ($WO_3 - 0,67-0,69 \%$), қалайи ($SnO_2 - 1,66 \%$) ва кумуш ($Ag_2O - 0,25-0,60 \%$) учрайди. Ризёрит Ангрен дайкаси онгонитларида, Келенчек-Тошсой майдони лейкогранитларида ва Чоркесар маъданли майдони онгонит-лейкогранит ассоциацияси жинсларида аниқланган. Мазкур минерал ураннынг (UO_2 до $3,81 \%$) ва торийнинг (ThO_2 до $6,21 \%$) ташувчисидир. Чоркесар маъданли майдонидаги лейкогранитлардаги ризёрит бундан ташқари вольфрамнинг ($WO_3 - 2,55 \%$), қалайининг ($SnO_2 - 3,83 \%$), Ангрен дайкаси онгонитларида кумушнинг ($Ag_2O - 0,17 \%$) минерал-ташувчиси ҳисобланади.

Колумбит Ертош майдони онгориолитларида, Ангрен дайкаси ва Чоркесар маъдан майдони онгонитларида, уларга алоқадор грейзенларда ва

пегматит томирларида аниқланган. Колумбитнинг кристалларини кварц говакларида ёки кристалланган нодир ер метали фторкарбонатлардан иборат консервацияланган флюидли ҳосилаларда учратиш мумкин. Улар радиоактив ҳисобланишади (UO_2 – 1,81 %, ThO_2 – 1,82 %), шунингдек таркибларида вольфрам (WO_3 – 2,55 %) ва кумушнинг (Ag_2O – 0,17 %) қўшимталари мавжуд. Эвксенит – титан, иттрий ва нодир ер элементларининг танталониобати. У Ангрен дайкази онгонитларининг кварц-далашпатли асосий массасида жуда майда нотўғри шаклли доначалар тарзида кузатилади. Таркибларида радиоактив элементларнинг қўшимталари (UO_2 – 0,08 %, ThO_2 – 2,09 %) мавжуд. Y-эшинит, блонстрандит, уранпироклор нодир ер метали ва радиоактив элементларнинг танталониобатлари бўлиб, кам учрайдиган минераллардир. Уларнинг сийрак кристаллари Келенчек-Тошсой майдони лейкогранитларида ва уларни қуршаб турган метасоматитларда ҳамда альбититларда аниқланган. Ушбу метасоматит ва альбититларда иттрий ва нодир ер элементларининг комплекс силикат минераллари – таленит ва иттрокейвиит кузатилади.

Фосфатлар (апатит, фторапатит, монацит, ксенотим, рабдофанит), фторкарбонатлар (бастнезит, паризит, синхизит), карбонатлар (кальцит, манган-кальцит, анкерит) ва флюорит минтақа онгориолит-лейкогранит ассоциацияси жинсларида маъдан элементларининг, айниқса нодир ва нодир ер металларнинг минерал-ташувчилари ёки минерал-концентраторлари ҳисобланади. Апатит ва фторапатининг нисбатан юқори миқдорлари Ертош неки эгиринли онгориолитларида, Ангрен дайкази фаялитдор онгонитларида ва уларнинг интрузив муқобиллари бўлган Четсув штоки лейкогранитларида аниқланган. Улчамлари 10x50 мкм дан 50x80 мкм га етувчи 3-5 та зоналардан иборат тўртбурчак, чўзиқ призматик зонал кристаллари кузатилади. Уларда нодир ер металларининг миқдорлари жуда ўзгарувчан (TR_2O_3 4-20 %). Баъзан кристалларнинг марказий зоналарида қуйидаги кимёвий таркибга эга, цирконий ва нодир ер элементларининг мураккаб фосфатидан иборат қўшимталар учрайди (%): SiO_2 – 11,86; FeO – 0,48; CaO – 6,60; P_2O_5 – 15,04; ZrO_2 – 18,60; MoO_3 – 0,45; TR_2O_3 – 29,84; ThO_2 – 1,96; UO_2 – 0,21; жами – 99,07. Монацит, ксенотим ва рабдофанит – иттрий ва нодир ер элементларининг хос минераллари минтақадаги онгориолитларда ва лейкогранитларда апатит ва фторапатитга нисбатан камроқ тарқалган.

Онгориолитлар ва лейкогранитлардаги кальцитларда иттрий ва нодир ер элементларининг умумий миқдорлари 1,0 % гача етади, анкеритларда – 0,45 % гача, манганкарбонатларда эса 0,35 %. Бастнезит, паризит ва синхизит нодир ер элементларининг фторкарбонатларидир. Улар кўпинча циркон, ниобийли рутил, апатит, фторапатит, флюоритлар билан бир минералогик парагенезисда учрайди. Флюоритларнинг моддий таркибларини микронзонд усулида текшириш натижалари уларда иттрий (Y_2O_3 – 0,00n-0,66 %) ва нодир ер элементларининг (TR_2O_3 – 2,18-4,80 %) қўшимталари мавжудлигини кўрсатди. Келенчек-Тошсой майдони лейкогранитларидаги флюоритларда тантал қўшимталари аниқланган (Ta_2O_5 – 0,13 %).

Онгонитлар, онгориолитлар ва лейкогранитларда плитаичи габброид ва сиенитоид ассоциациялари жинсларига нисбатан сульфид минераллари камроқ учрайди. Улар арсенопиритдан, пиритдан, молибденитдан,

галенитдан ва сфалеритдан иборат. Мазкур минералларининг концентрациялари онгонитлар, онгориолитлар ва лейкогранитлар таналарининг гумбаз қисмларида ва уларга алоқадор березитларда, гидротермалитларда ортади. Арсенопирит ва пирит молибденнинг (MoO_3 2,54 %) ва ренийнинг (Re 0,83 %) минерал-ташувчиларидир. Молибденитнинг сийрак доналари Чоркесар маъданли майдони лейкогранитларида аниқланган. Унинг ўзига хос жихати платинадорлиги (ПГЭ – 16,61-17,96 %) ва нодир ер металлдорлигидир (TR - 3,25-4,01 %). Бундан ташқари уни кумушнинг (Ag – 1,61-1,92 %), ренийнинг (Re – 1,0 % гача) ва осмийнинг (Os – до 0,89 %) минерал-ташувчиларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Минтақа онгонитларининг, онгориолитларининг ва лейкогранитларининг қалайига, вольфрамга, ниобийга, танталга, нодир ишқорий, нодир ер элементларига ва радиоактив металлларга геокимёвий ихтисослашуви ушбу бобнинг кейинги қисмларида асосланган. Ҳусусан, Чоркесар маъданли майдони лейкогранитларида (Sn – 21 г/т) ва уларга алоқадор грейзенларда (Sn – 58 г/т), кварц-альбитит-биотит-флюоритли ва кварц-гематит-хлоритли метасоматитларда (Sn – 190 г/т) қалайининг юқори миқдорлари аниқланган. Шавозсой нодир ишқорий металллар кони онгориолитларида вольфрамнинг ўртача миқдори 40 г/т ни ташкил қилиб, унинг концентрацияси кларкдан 31 марта юқори. Фаялитдор онгонитлар дайкалари, фаялитдор лейкогранит штоклари, шунингдек Ертош неки эгиридли онгориолитларига ҳам вольфрамнинг юқори миқдорлари (W – 16-22 г/т) хос. Онгориолитлар ва лейкогранитлар билан бирга учровчи постмагматик ҳосилалар ҳамма вақт ҳам вольфрамдор эмас. Уларнинг нисбатан юқори миқдорлари Келенчек-Тошсой майдонидаги тантал-ниобийдор ва нодир ер металлдор альбититларда (W – 25 г/т), Чоркесар маъданли майдонидаги кварц-фторкарбонатли гидротермал томирларда (W – 41 г/т), березитларда W – 65 г/т) ва томирчали турдаги кўпметалли маъданларда (W – 130-560 г/т) аниқланган. Ассоциация жинсларида ниобий ва танталнинг миқдорлари кларкларидан кам даражадан саноатбоп концентрациялар даражасигача ўзгарувчандир. Уларнинг юқори миқдорлари Чоркесар ва Келенчек-Тошсой маъданли майдонлари лейкогранитларида аниқланган (Nb – 120 г/т, Та – 17 г/т). Онгонит ва лейкогранит таналарига алоқадор пегматитлар, грейзенлар ва альбититлар уларнинг юқори миқдорлари билан ажралиб туради (пегматитларда Nb – 140 г/т, Та – 36 г/т, грейзенларда Nb – 190 г/т, Та – 20 г/т, альбититларда Nb – 163 г/т, Та – 12 г/т). Онгонитлар ва лейкогранитлар таналарини қуршаб турган гидротермал-метасоматик ҳосилалар орасида кварц-гематит-хлоритли метасоматитлар (Nb – 160 г/т, Та – 22 г/т), березитлар (Nb – 82 г/т, Та – 13 г/т), аргиллизитлар (Nb – 100 г/т, Та – 15 г/т) ва томирчали турдаги кўпметалли маъданлар ниобий ва танталнинг миқдорларининг юқорилиги билан алоҳида ажралиб туради (Nb – 100 г/т, Та – 12 г/т).

Нодир ишқорий металл (Rb, Cs, Li) ихтисослашув Шавозсой конидаги онгириолитларнинг субвулқон таналарида (дайкалар, кўппоғанали силлар) яққол номоён бўлган. Уларда литий ва цезийнинг ўртача миқдорлари

кларкларидан беш марта кўплиги (Li -168 г/т, Cs – 16 г/т), шунингдек рубидийнинг миқдори юқорилиги (Rb – 283 г/т) диққатга сазовордир.

Иттрий, скандий ва нодир ер элементларининг умумий миқдорлари минтақа онгонитларида, онгориолитларида ҳамда уларнинг интрузив мукобилларида – лейкогранитларда кескин ўзгарувчан бўлиб, ҳатто буни битта интрузив тана мисолида ҳам аниқлаш мумкин. Масалан, уларнинг миқдорлари Ертош некки эгиринли онгориолитларининг (296 г/т) ёки Ангрен дайкаси фаялитдор онгонитларининг (245 г/т) апикал ва гумбаз қисмларида, чуқур қисмларига ёки марказларига (Ерташ некки – 47 г/т, Ангрен дайкаси – 144 г/т) нисбатан юқори. Бу каби ҳолат Келенчек-Тошсой (45-167 г/т) ва Чоркесар (95-349 г/т) маъданли майдонларидаги лейкогранитларда янада яққолроқ номоён бўлган. Уларга алоқадор кварц-фторкарбонатли гидротермал томирлар (460 г/т) кварц-карбонатли (247-256 г/т), кварцли томирларга (68 г/т) нисбатан нодир элементларга бойроқ. Бу ҳолнинг сабаби магма суюқлигининг дефлюидизацияси натижасида нодир ва нодир ер элементларини учувчан компонентлар билан бирга магматик резервуарнинг гумбазида ва апикал қисмларида сезиларли даражада концентрациялашуви билан изоҳланади. Бунга Келенчек-Тошсой майдонидаги лейкогранит таналарининг гумбазусти қисмида шаклланган альбититларда нодир ер металл маъданлашувни (450-1100 г/т) жойлашганлиги мисол бўлади.

Минтақа онгориолит-лейкогранит жинслари учун уран-торийли ихтисослашув хос (U 30 г/т гача, Th 100 г/т гача). Улар ривожланган ҳудудларда радиоактив металлларнинг маъданли объектлари мавжудлиги аниқланган бўлиб, бу уларнинг металлогеник аҳамиятидан далолат беради. Онгориолитлар ва лейкогранитларга алоқадор постмагматик хосилалар ҳам уран ва торийга бой. Уларнинг орасида торийнинг нисбатан юқори концентрациялари альбититларда (Th – 110 г/т), уранники пегматитларда (U 17-19 г/т) қайд этилган. Гидротермал томирларда ураннинг миқдори сезиларли ўзгарувчан (U – 3,5-36 г/т). Онгориолитлар ва лейкогранитларнинг гумбазусти ҳамда экзоконтант ареалларида ривожланган калийли метасоматоз маҳсулотлари (U – 25-89 г/т) натрийли метасоматитларникига (U – 3,5-6,2 г/т) нисбатан юқори урандорлиги билан фарқланади. Кварц-гематит-хлоритли метасоматитларда (U – 100 г/т) ва томирчали турдаги кўпметалли маъданларда (U – 230 г/т) ураннинг юқори миқдорлари аниқланган.

Диссертациянинг «**Чотқол-Қурама минтақаси плитаици маъдан-магматик тизимлари**» деб номланган бешинчи боби минтақадаги маъданли объектлар мисолида плитаици маъдан шакллантирувчи магматик тизимларнинг хар-ҳил моделларини асослашга бағишланган. Ҳусусан, Оқтепа-Чодак флюид-магматик маъдан шаклланиш тизими ишлаб чиқилган бўлиб, уни мантия-қобик турига мансуб субишқорли асос таркибли магманинг эволюцияси натижасида пайдо бўлганлиги тахмин қилинган. Унга кўра тизимнинг шаклланиши Оқтепа интрузивининг қуйи ва ўрта қисмларида мелано-, мезо- ва лейкократ габброидларнинг, ҳамда юқори қисмларида габбро-сиенитлар, сиенитлар ва граносиенитларнинг кристалланиши билан бошланган. Мазкур жинсларнинг дериватлари Чодак маъданли майдонида трахидолерит, эссексит, лампрофир, сиенит-порфир,

кварцли сиенит-порфир, сферолитли трахит дайкалари тарзида номоён бўлган. Тизим эволюциясининг якуний махсулотлари Оқтепа маъданли майдонида кумушдор кварц-анкеритли томирлардан, Чодак маъданли майдонида эса олтин-кумушдор кварц-карбонат-гематитли, кварц-карбонатли ва кварц-адулярли томирлардан иборат.

Плитаици сиенитоидлари ва онгориолит-лейкогранит ассоциациясига алоқадор нодир ва нодир ер металл полиген маъданлашувнинг модели Честув-Шавкатли маъданли майдони мисолида асосланган. Бу ерда граносиенит ва лейкогранит интрузиялари апофизалари ҳамда апикал қисмлари атрофида ривожланган кварц-гематит-хлоритли метасоматитларда ва гидротермалитларда (томирлар) иттрий, скандий ва нодир ер элементларининг жуда юқори концентрациялари аниқланган. Шунингдек, мазкур постмагматик ҳосилаларда Sn, Be, Zr, Hf, Nb, Ta, W, Th ва U нинг юқори концентрациялари мавжуд. Уларнинг шаклланиши магматик резервуарларда нодир ва нодир ер элементларнинг нотекис тарқалганлиги, бу эса ўз навбатида уларни сиенитоид ва лейкогранит суюқликларининг нисбатан кўпроқ флюидларга бойиган қисмларида тўпланиши билан изоҳланган. Маъдан элементларининг бундай тўпланишини магматик тизимнинг эволюциясини яқунловчи босқичларида флюидларга тўйинган суюқликларни ажралиб чиқиши ва магматоген-гидротермал томирларни шакллантириши билан тушунтириш мумкин. Бунга Шавкатли маъдан номоёндасидаги юқоримаҳсулдор гидротермалитлар мисолдир.

Онгориолит-лейкогранит ассоциация билан генетик алоқадор маъданлашувнинг бешта фацал турлари ажратилган ва асосланган: флюид-эксплозив-интрузив (Шавозсой тури), апогранит-интрузив (Келенчек-Тошсой тури), экзогрейзен (Саргардон тури) ва комбинациялашган апогранит-интрузив-экзогрейзен (Чоркесар тури). Уларнинг асосий моҳияти шундаки, ушбу плитаици интрузив ассоциацияси ва унга алоқадор нодир металл конлар минтақанинг плитаици ривожланиш босқичида юз берган флюидларга тўйинган, юқори фторли нодир металдор нордон магматизм махсулотлари ҳисобланишади. Мазкур флюидларга тўйинган потенциал маъдандор магма суюқликлари ер қобиғинининг турли чуқурликларида қотиши ва кристалланиши қуйидагиларнинг шаклланишларига олиб келган: гипабиссал шароитда нодир металл лейкогранитларга алоқадор Саргардон грейзен вольфрам (Sn, Mo, Nb, Ta, Be, Li, флюорит юклагали) конини; Келенчек-Тошсой майдонидаги Nb-Ta-нодир ер металл (Zr, Hf, Au, U, Th юклагали) альбититли маъдан номоёндаларини, Чоркесар маъданли майдонидаги уран-ноёб-нодир ер металл грейзен-гидротермал конларни; субвулқон ва ер юзасига яқин фацалларда флюидизат-эксплозив-интрузив турдаги Шавозсой нодир ишқорий металл конини (Nb, Ta, Zr, Hf, W, Mo, Au, U, Th, REE ва флюорит юклагали) ҳамда Ертошсойдаги нодир металл маъданлашувни.

Флюидларга тўйинган маъдандор лейкогранит (ёки онгориолит) магмаси суюқликларининг ҳосил бўлиши қобиқ-мантя табиатига – гранит ва аляскит магмаларининг қолдиқ суюқликларини мантядан кўтариш билан аралашуви интрателлурик кремний-ишқорли қоришмалар билан аралашуви натижасилиги таҳмин қилинган.

ХУЛОСА

Диссертация ишида эришилган асосий илмий ва амалий натижалар қуйидагилардан иборат:

1. Биринчи марта Чотқол-Қурама минтақаси кечкиперм плитаичи интрузив магматизми хосилалари кетма-кет шаклланган учта петрологик ассоциацияларга (габброид, сиенитоид ва онгориолит-лейкогранит) бирлаштирилган бўлиб, улар минтақа магматизмини ўрганилганлик даражасини янада оширган.

2. Плитаичи габброид ассоциацияси жинслари – меланократ, мезократ, лейкократ габбролар, шунингдек пироксенитлар, анортозитлар, ҳамда трахидолеритлар ва лампрофирларнинг минтақавий дайкалари қобиқ-мантия генетик табиатига эга ягона асос таркибли субишқорли магма суюқлиги маҳсуллари ҳисобланади. Минтақада плитаичи габброид ассоциациясини жинсларини тарқалишида ўзига хос қонуният мавжуд: габброид интрузиялари ва базит дайкаларининг титанлиги Кумбул-Угом ер ёриқлари зонасига – перм вақтидаги мантия магматизмининг - «Чотқол-Қурама плюми»нинг илдиз қисми жойлашганлиги тахмин қилинаётган Оқтепа субишқорли габброидлар ареали томонга ортиб боради.

3. Минтақа плитаичи габброид ассоциациясига алоқадор маъданли минераллашувнинг комплекс характерга эгаллигини кўрсатувчи темир, титан, кобальт, мис, кўрғошин, рух, олтин, кумуш ва фосфорнинг асосий минераллашувчилари, минерал-концентраторлари ва маъдан шакллантирувчи флюидли хосилалари аниқланган. Ассоциациянинг мазкур элементларга геокимёвий ва металлогеник ихтисослашуви уларнинг интрузив таналарида ҳамда контактолди ареалларида олтин ва платиноид юкламали апатит-магнетит-ильменит, кумуш, полиметал маъданлашувнинг жойлашувига истиқболлилигини белгилаган.

4. Илк бор минтақа плитаичи сиенитоид ассоциацияси жинслари субишқорли габброид магмасининг трансмагматик флюидлар таъсирида ўзгариши эвазига шаклланган маҳсулотларга мансублиги аниқланган. Мазкур ассоциация жинслари, шунингдек унга генетик жиҳатдан алоқадор метасоматитлар ва гидротермал томирлар қалайига, ниобийга, танталга, цирконийга, нодир ер металларига, олтинга, кумушга геокимёвий ва металлогеник ихтисослашган. Граносиенит-порфирларнинг кварцларида таркибида платиноидлар, мис ва молибденнинг микроқўшимталари учровчи соф олтин аниқланган. Сиенитоидлардаги нодир ва нодир ер элементларининг минерал-концентраторлари уларнинг силикатларидан (цирккон, ортит, чевкинит, бритолит), оксидларидан (касситерит, колумбит, самарскит, фергюсонит, ризёрит, торит, ураноторит), фосфатларидан (апатит, фторапатит, ксенотим, монацит, баъзан рабдофанит, чёрчит), карбонатларидан (калькинцит, синхизит, лантанит) иборат.

5. Биринчи марта Чотқол-Қурама минтақаси учун нодир металлдор нордон жинсларнинг янги турлари – фаялитдор онгонитлар, эгиринли онгориолитлар ва фаялитдор лейкогранитлар аниқланган. Ушбу жинсларнинг, шунингдек минтақадаги типик онгонитлар, онгориолитлар ва лейкогранитларнинг петрогенезиси кобиқ-мантия магмагенерациясига

алоқадорлиги билан тушунтирилган. Онгориолит-лейкогранит ассоциацияси жинсларидаги нодир ва нодир ер элементларининг асосий минерал-ташувчилари ва минерал-концентраторлари уларнинг силикатларидан (циркон, гелциркон, циртолит, ортит, чевкинит, бритолит), оксидларидан (касситерит, колумбит, фергусонит, ризерит, торит, иттротрит, ураноторит, пирохлор, уранопирохлор), фосфатларидан (апатит, фторапатит, ксенотим, баъзан рабдофанит) ва фторкарбонатларидан (бастнезит, паризит, синхизит) иборат. Ассоциация жинсларидан ташкил этилган магматик таналар қалайи, вольфрам, ниобий, тантал, нодир ишқорий металлларга, нодир ер элементларига ва радиоактив металлларга геокимёвий ихтисослашган.

6. Оқтепа-Чодак флюид-магматик маъдан шаклланиш тизими ишлаб чиқилган бўлиб, уни мантия-қобик турига мансуб субишқорли асос таркибли магманинг эволюцияси натижасида пайдо бўлганлиги тахмин қилинган. Унга кўра тизимнинг шаклланиши Оқтепа интрузивининг қуйи ва ўрта қисмларида мелано-, мезо- ва лейкократ габброидларнинг, ҳамда юқори қисмларида габбро-сиенитлар, сиенитлар ва граносиенитларнинг кристалланиши билан бошланган. Мазкур жинсларнинг дериватлари Чодак маъданли майдонида трахидолерит, эссексит, лампрофир, сиенит-порфир, кварцли сиенит-порфир, сферолитли трахит дайкалари тарзида номоён бўлган. Тизим эволюциясининг якуний маҳсулотлари Оқтепа маъданли майдонида кумушдор кварц-анкеритли томирлардан, Чодак маъданли майдонида эса олтин-кумушдор кварц-карбонат-гематитли, кварц-карбонатли ва кварц-адулярли томирлардан иборат.

7. Плитаици сиенитоидлари ва онгориолит-лейкогранит ассоциациясига алоқадор нодир ва нодир ер метали (Sn , Be , Zr , Hf , Nb , Ta , W , Th , U ва REE) полиген маъданлашувнинг модели Честу-Шавкатли маъданли майдони мисолида асосланган. Уларнинг шаклланиши магматик резервуарларда нодир ва нодир ер элементларнинг нотекис тарқалганлиги, бу эса ўз навбатида уларни сиенитоид ва лейкогранит суюқликларининг нисбатан кўпроқ флюидларга бойиган қисмларида тўпланиши билан изоҳланган.

8. Онгориолит-лейкогранит ассоциация билан генетик алоқадор маъданлашувнинг бешта турлари ажратилган ва асосланган: флюид-эксплозив-интрузив (Шавозсой тури), апогранит-интрузив (Келенчек-Тошсой тури), экзогрейзен (Саргардон тури) ва комбинациялашган апогранит-интрузив-экзогрейзен (Чоркесар тури).

9. Тадқиқот ишида эришилган илмий натижаларнинг амалий аҳамияти Чотқол-Курама минтақаси плитаици магматик ассоциацияларига алоқадор қимматбаҳо, нодир ва нодир ер металлларнинг маъданлашувини излашнинг комплекс петрологик, минералогик ва геокимёвий меъзонларининг ишлаб чиқилганлиги ҳамда ушбу металллар бўйича илгарилама излаш-баҳолаш ишларини олиб бориш учун истиқболли майдонларни (Қорақушхона-Бошқизилсой, Четсув-Шавкатли, Ертош, Бешкўл-Сардала, Келенчек-Тошсой ва Чоркесар) ажратилганлиги билан изоҳланган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНЫЙ СОВЕТА
DSc.27.06.2017.GM.40.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ИНСТИТУТЕ МИНЕРАЛЬНЫХ РЕСУРСОВ, ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ И
ГЕОФИЗИКИ, ИНСТИТУТЕ ГИДРОГЕОЛОГИИ И ИНЖЕНЕРНОЙ
ГЕОЛОГИИ, ИНСТИТУТЕ СЕЙСМОЛОГИИ, НАЦИОНАЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА И ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ИНСТИТУТ ГЕОЛОГИИ И ГЕОФИЗИКИ

МАМАРОЗИКОВ УСМОНЖОН ДОВРОНОВИЧ

**РУДОНОСНОСТЬ ВНУТРИПЛИТНОГО ИНТРУЗИВНОГО
МАГМАТИЗМА ЧАТКАЛО-КУРАМИНСКОГО РЕГИОНА
(СРЕДИННЫЙ ТЯНЬ-ШАНЬ)**

04.00.03 – Геотектоника и геодинамика. Петрология и литология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером № B2018.1.DSc/GM5

Диссертация выполнена в Институте геологии и геофизики
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский-резюме) размещен на веб-странице научного совета по адресу www.gpniimr.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный консультант:	Ахунджанов Рахмаджан доктор геолого-минералогических наук
Официальные оппоненты:	Конеев Рустам Исмаилович доктор геолого-минералогических наук, профессор Умарходжаев Маврузбек Умарходжаевич доктор геолого-минералогических наук Мустафин Сабир Кабирович доктор геолого-минералогических наук, профессор, академик
Ведущая организация:	ГУП «Уранредметгеология»

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.GM.40.01 при Институте минеральных ресурсов, Институте геологии и геофизики, Институте гидрогеологии и инженерной геологии, Институте сейсмологии, Национальном университете Узбекистана и Ташкентском Государственном техническом университете по адресу: 100060, г. Ташкент, ул. Т.Шевченко, 11а). Тел.: (99871) 256-13-49; факс: (99871) 140-08-12; e-mail: info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре ГП «Институт минеральных ресурсов» Госкомгеологии РУз (регистрационный номер №___). Адрес: 100060, г. Ташкент, ул. Т.Шевченко, 11а. Тел.: (99871) 256-13-49.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки от «___» _____ 2018 года).

М.К.Турапов

Председатель Научного совета по присуждению
ученой степени, д.г.-м.н.

К.Р.Мингбоев

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, к.г.-м.н.

Х.А.Акбаров

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученой степени, д.г.-м.н.,
академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность исследований. В мировой практике на протяжении всей истории эндогенной геологии одной из важнейших проблем было установление генетических связей петро- и рудогенеза. Ценность петрологических и металлогенических исследований в значительной степени определяется вкладом в решение этой проблемы. Особым разнообразием и сложностью отличаются эндогенные породорудные образования, связанные с внутриплитным магматизмом складчатых областей.

В настоящее время в мире оценка металлогенического значения продуктов внутриплитного магматизма складчатых областей проводится по следующим приоритетным направлениям: выявление их геологических позиций, петрографических и петрохимических особенностей; определение формы нахождения и вещественного состава минералов-носителей, минералов-концентраторов и рудогенерирующих флюидных и расплавных микровключений ценных элементов, с применением современных высокоточных и высокочувствительных аналитических и диагностических средств; а также установление металлогенической специализации и генетической природы флюидно-магматических рудообразующих систем.

В Узбекистане достигнуты определенные успехи, направленные на выявление специфики состава магматических ассоциаций, их рудоносности и генезиса, проведением научных исследований высокого уровня и их внедрения. При этом, особое внимание уделено на поиск месторождений полезных ископаемых, связанных с магматизмом, расширению их минерально-ресурсных баз и привлечению к промышленному освоению. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ определены приоритетные меры по «... интенсивному социально-экономическому развитию, повышению уровня жизни и реальных доходов населения, ... обеспечением комплексного и эффективного использования природного и минерально-сырьевого потенциала отдельных регионов». При этом особое значение имеет выявление рудоносности внутриплитных магматических ассоциаций Чаткало-Кураминского региона, а также их металлогенического значения в формировании эндогенных рудных полей, месторождений и рудопроявлений благородных, редких и редкоземельных металлов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-2589 от 13 октября 2016 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию организации исследований в области геологического изучения недр», а также в других нормативно

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

правовых документах принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с требованиями приоритетных направлений развития науки и технологий республики VIII. «Науки о Земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Широкомасштабные научные исследования, направленные на выявление металлогенического значения внутриплитного магматизма в Чаткало-Кураминском регионе и других складчатых областях Центрально-Азиатского складчатого пояса проводятся в ведущих научных центрах и образовательных учреждениях мира, в том числе: U.S.Geological Survey (США); Centre for Global Metallogeny (Австралия); Centre for Russian and Central EuroAsian Mineral Studies (Великобритания); Societe geological de France (Франция); Институт геологии рудных месторождений, петрографии, минералогии и геохимии (Россия); Chinese Academy of Geological Sciences (Китай), Институт геологии и геофизики (Узбекистан); Институт минеральных ресурсов (Узбекистан).

В результате исследований, проведенных в мире по петрологии и металлогении внутриплитного магматизма, получен ряд научных результатов, в том числе: для объяснения причин внутриплитного магматизма была разработана гипотеза горячих точек - мантийных струй (U.S.Geological Survey, США); выяснено важное значение в размещении внутриплитных магматических образований и связанных с ними эндогенных месторождений глубинных деструктивных зон (Centre for Global Metallogeny, Австралия; Centre for Russian and Central EuroAsian Mineral Studies, Великобритания); установлен пульсационный характер эволюции внутриплитного магматизма Societe geological de France (Франция); разработана теория формирования позднемагматических редкометалльных месторождений, связанных с внутриплитным кислым магматизмом (Институт геологии рудных месторождений, петрографии, минералогии и геохимии, Россия); выявлено выражение внутриплитного магматизма в литосфере «горячими точками», прожигаящими её в результате подъема из глубин мантии плюмов (Chinese Academy of Geological Sciences, Китай).

В настоящее время в мире ведутся научно-исследовательские работы по ряду приоритетных направлений петрологии и металлогении внутриплитного интрузивного магматизма складчатых областей, в том числе: изучение геологической позиции, петрографических и петрохимических особенностей продуктов внутриплитного интрузивного магматизма; проведение формационного анализа продуктов внутриплитного магматизма;

²Обзор иностранных научных исследований по теме диссертации произведен на основе: <http://www.Elsevier.com>; www.geokniga.org; www.mincos.ru; www.geohit.ru; www.mantleplumes.org; www.earthplumes.org; www.nature.com; <http://www.researchgate.net>; www.gei-earth.com и других источников.

определение форм нахождения и вещественного состава минералов-носителей, минералов-концентраторов и рудогенерирующих флюидных и расплавных микровключений рудных элементов; разработка петролого-генетических моделей эволюции внутриплитных рудно-магматических систем.

Степень изученности проблемы. Проблемы петрогенеза и рудоносности продуктов магматизма в Чаткало-Кураминском регионе и других складчатых областях Центрально-Азиатского складчатого пояса, а также его металлогенического последствия отражены в работах Х.М.Абдуллаева, С.С.Абрамова, В.И.Айзенштата, В.И.Алексеева, В.С.Антипина, А.Е.Антонова, В.А.Арапова, Р.Ахунджанова, С.М.Бабаходжаева, С.Т.Бадалова, А.Б.Бакирова, В.В.Баранова, А.С.Борисенко, Н.С.Бортникова, Н.П.Васильковского, А.Г.Владимилова, Т.М.Воронич, А.А.Воронцова, И.М.Голованова, О.П.Горьковского, Г.С.Гусева, Т.Н.Далимова, Р.Т.Далимова, Ф.К.Диваева, Н.Л.Добрецова, Ю.Б.Ежкова, А.Э.Изоха, Ф.И.Исламова, Х.Д.Ишбаева, В.Я.Клипенштейна, В.И.Коваленко, В.А.Коваленкера, В.В.Козырева, Р.И.Конеева, В.С.Коптев-Дворникова, А.Ф.Коробейникова, В.П.Коржаева, М.И.Кузьмина, Н.П.Лаверова, В.И.Лебедева, Ю.М.Мамаджанова, Д.Матчанова, И.В.Мушкина, Н.Т.Пака, Ф.Ш.Раджабова, Я.М.Рафикова, Д.В.Рундквиста, В.Л.Русинова, Ю.Г.Сафонова, Г.Т.Таджибаева, К.У.Урунбаева, Ф.А.Усманова, И.Х.Хамрабаева, Б.Г.Хайруллина, В.Д.Цоя, В.В.Ярмолюка, Р.Г. Юсупова, Одгэрэл Д., N.Cook, J.S. Cline, H.M. DInlop, A.Zindler, J.G.Fitton, A.W.Hofmann, B.D.Malamud, M.Santosh, R.Seltmann, G.L.Oppliger, F.Pirajno и других исследователей.

Важным итогом предыдущих исследований является выявление значения пермского внутриплитного магматизма как отражения в литосфере Чаткало-Кураминского мантийного плюма и разработка его модели. Определен ряд свойств внутриплитного магматизма складчатых областей, отличающих его от продуктов других геодинамических обстановок: продукты внутриплитного магматизма, несмотря на небольшие объемы, обладают широким распространением и рассеяны на значительных площадях; имеют временной разрыв от предыдущих коллизионных, субдукционных гранитоидов; в составе их формаций обращает на себя внимание высокая щелочность, глиноземистость, умеренная железистость и магнезиальность, что не позволяет их коррелировать с траппами и толеитовыми базальтами платформ; для ареалов внутриплитного магматизма свойственно наличие целой серии «высокоскоростных» включений коры.

Несмотря на достигнутые важные результаты в изучении магматизма региона, до сих пор остается полностью не решенной оценка рудоносности внутриплитного магматизма.

Диссертантом, в период 2002-2017 гг. проводились исследования по изучению геологической позиции, петрографических, петрохимических, минералогических и геохимических особенностей продуктов внутриплитного интрузивного магматизма Чаткало-Кураминского региона. В результате этих

